

ШЕРЗОД  
ХИКМАТОВ

Ўз 2  
Х 47


“ШУНКОРЛАР” –  
**ВАТАН**  
ТАЯНЧИ



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--







Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Кучлари  
ташкил топганлигининг  
26 йиллигига багишиланади

ШЕРЗОД  
ҲИКМАТОВ

---

“ШУНҚОРЛАР” –  
**ВАТАН**  
**ТАЯНЧИ**

Тўртинчи нашри



---

ТОШКЕНТ  
“NOSHIRLIK YOG'DUSI”  
НАШРИЁТИ  
2017

**УЎК: 821.512.133.3**

**КВК: 84(5Ў)6**

**Ҳ - 47**


**Ҳикматов, Шерзод**

«Шунқорлар» – Ватан таянчи. Шерзод Ҳикматов. Тўртинчи нашри. – Тошкент: “Noshirlik yog‘dusi” нашриёти, 2017. – 152 б.

**ISBN 978-9943-4756-8-7**

Ушбу тўпламда муаллифнинг ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар акс этган бўлиб, унугимас онларнинг ўзига хос тарзда, содда тил билан ёритилганига гувоҳ бўласиз. Ҳарбий соҳанинг машакқатли синовларида тобланган Шерзод Ҳикматов ўзини тўлқинлантирган, мушоҳадага чорлаган ўй-фикрларини шеър, қатра ҳамда кичик ҳикоялар тарзида қаламга олади.

Китоб кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, ёшли римизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса кўшишига ишонамиз.



**УЎК: 821.512.133.3**

**КВК: 84(5Ў)7**

**Тақризчилар:**

**Х.САЙДОВ,**

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги  
бўлим бошлиғи, подполковник

**С.ҚУРБОНОВ,**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

Марказининг Сафарбарлик ишлари бўйича  
бўлим бошлиғи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази Сафарбарлик ишлари бўйича бўлимишининг 2016 йил 8 августдаги тавсиясига асосан нашрга тақдим этилган.

**ISBN 978-9943-5060-7-7**

© Шерзод Ҳикматов, 2017 й.

© “Noshirlik yog‘dusi” нашриёти, 2017 й.

Биз шунга эришмогимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шарафи бўлмоги лозим.

Ислом КАРИМОВ

## ПАРВОЗИНГ ЮКСАК БЎЛСИН!

Парвозга шай турган бургутнинг ҳолати, кўз қаравшларини кузатганмисиз? Унинг кўзлари ўткир, олис-олисларга қадалган, қанотлари учишга шай турган бўлади. У осмонларга парвоз этгиси, юксак чўққиларни эгаллагиси келади. Маррани узоқ ва бардавом олишга уринади. Мен мағрур бургутнинг бу ҳолатини каттакон жамиятга кириб келаётган ёшларга қиёслагим келади.

Ҳарбийлар бизнинг ишонган қўргонимиз, суюнган төғимиздир. Улар бор экан, кўнгиллар тинч, осмонимиз мусаффо, қалбларда меҳр барҳаётдир. Муҳтарам Юргашимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Юрагида ўти бор, ориятли баҳодирларимиз бугун ортимда Ватаним бор, эл-юртим, ота-онам, севимли ёрим бор, деб ёвга мардона зарба беришга тайёр бўлиб тургани барчамизга куч-куват багишлаб, руҳимизни кўтармоқда».¹

Ёшларимиз – эртанги кунимиз эгалари, келажагимизни яратгувчи бунёдкорлардир. Шу

¹ И.Каримов. Терроризм хавфи тўғрисида. – Т.: «Шарқ», 2002. – Б. 103.

маънода шунқорларни ҳам ҳарбий соҳамиз-нинг эгалари, нафақат ҳарбий, балки барча тармоқларнинг эгалари дея айта олишимиз мумкин. Улар тартиб ҳамда интизом билан, қатъият ҳамда илмга чанқоқлик билан ўқиб изланишмоқда, келажак учун дадил қадам ташлашмоқда.

*Қудуқда сув азиз,  
Тандирда-чи нон.  
Тоғларнинг бисоти,  
Неча-неча кон.  
Бел боғлаб майдонга  
Чиқдингми энди  
Сен ҳам бир қаромат  
Кўрсат, эй ўглон!*

Мен Шерзоднинг кечинмалари, қалбидан ўтаётган ҳисларини қораламаларида ифода-лагани билан танишиб чиқиб, шундай хуло-сага келдимки, у ўзи каби серғайрат ёшларни атрофида бирлаштирмоқчи ва у ўзи камолга етган Ватанинг тақдирига бефарқ эмас. Шерзоднинг келгусидаги ишларига омад тилайман.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоири*

*10 июль, 2016 йил.  
Дўрмон*

## ИНСОН ҚАЛБИ

Кўлингиздаги китоб муаллифи Шерзод Ҳикматов бежизга қўлига қалам олмаган. Унинг ўз дунёси, ўзгача бир дунёқараши, қалб изтироблари, ҳаётда кечирган воқеа-ҳодисалардан чиқарган хуносалари турли шакларда баён қилинган. Аслида, Шерзоднинг шоирликка ёки ёзувчиликка даъвоси йўқ, у ҳарбий соҳада хизмат қилаётган фидойи йигитларимиздан. Айни шу фидойилик унинг кўлига қалам тутқазган. Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйфуси, ўз юртини мард ва жасур ўғлонлар ҳимоясида кўриши, шу ишга камарбасталиги уни доимо ҳаракатга чорлайди. Натижада, қалб ҳарорати акс эттирилган, юрак нидоси шундокқина уфуриб турган сатрлар қофозга тушганки, ундаги ҳар бир сўз бизнинг-да юрагимизга яқин сўзлардир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англағани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйфуси илдиз отиб, улғая боради, бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».<sup>2</sup>

Очиғи, ўз қалб изтиробларини ҳам назмий, ҳам насрый тарзда ифодалаш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Ажабки, Шерзодга шундай иқтидор насиб этибди, биноба-

<sup>2</sup> И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.90.

рин, у ўзининг болалик йилларидағи ҳаётини қисқа ва лўнда қилиб, битиклар тарзида баён этса, ўспириилик ва ёшлиқ йилларида қалбини тўлқинлантирган туйғуларини шеърга солади, улгайиб, ҳаётнинг пасту баландини, аччифу чучугини тотиб кўрганини эса қатра ва битиклар тарзида ифода этади.

Шерзод Ҳикматов битиклари жуда содда ва ихчам бўлса-да, уларда ҳаёт ҳакиқати, фалсафий мушоҳадалар акс этган. Масалан, «Осмоннинг охирини топдим», «Белбоғ», «Асл йигит» каби қатраларда айтилган фикр, ҳаётий холоса ҳар бир ўқувчини фикрлашга, мушоҳада юритишга чорлайди, мисраларнинг айримлари кишини ўйга толдиради. Тўғри, муаллиф қоралаган сатрлар бадиийлик мезонларига тўлақонли жавоб бермаслиги мумкин. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими унда фикрнинг борлиги, ҳаётидаги баланд-пастликлардан тўғри холоса чиқаролганилиги, қолаверса, қалбидағи маънавий эҳтиёж ўрнини мисраларда ифода этишга интилишидир ва мен Шерзоднинг бу интилишини қўллаб-қувватлайман.

Маълумки, мамлакатимизда маънавият ва маърифат масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, ёшлар маънавиятини ўстириб боришининг хилма-хил усуллари қўлланилмоқда. Назаримизда, Шерзод Ҳикматовнинг мазкур китоби ҳам ёшлар қалбига йўл топадиган, ҳарбий хизматчиларга асқотадиган, уларнинг қалбида ҳам эртанги кунга умид ва ишонч уйғотадиган кичик бир дастуриламал бўлиб хизмат қиласи, деб умид қиласан.

**Равшан ЖОМОНОВ,  
филология фанлари намзоди, доцент**

## **ЖАСОРАТГА УНДОВЧИ САТРЛАР**

Очиғини айтганда, бугунги глобаллашув жараёнларида ҳар бир ёш йигит ёки қизнинг қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, улар онгida киндик қони тўкилган шу Она юртнинг қадрига етиш тушунчасини уйғотиш долзарб вазифаларимиздан саналади.

Шерзод Ҳикматовнинг оддий ва самимий сатрларда баён қилинган «Шунқорлар – Ватан таянчи» номли тўплами айниқса ёшларимизни ватанпарварликка ундовчи мисралари билан эътиборга молик. Қатраларида Ватан ҳимояси учун жонини ҳам аямайдиган йигитнинг фидойиликка, ҳарбийликка ундовчи мисралар талайгина.

Эҳтирос ва ҳис-ҳаяжонга тўла қалнинг маҳсули бўлган бу асарнинг чоп этилиши, менинг назаримда, тарбиявий аҳамият касб этади. Чунки унда инсонийлик, адолат, меҳр-муҳаббат, жасорат, матонат тушунчалири ҳаётий мисолларда, ишонарли тарзда ҳикоя қилиб берилган. Шу билан биргаликда, ёвузлик, жоҳиллик, лоқайдлик каби иллатлар ҳам кўрсатиб берилган.

Асар бир қарашда оддийдек туюлса-да, унинг таг замерида бугунги куннинг долзарб масаласи – жамият аъзоларининг умумий мақсадига айланган комил инсон тарбияси

ўрин олган. Муаллифнинг «Асл йигит хотин молига кўз олайтирмайди», деган жумласига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда қизларнинг мол-мулкига учиб уйланаётган ёки хотини билан мулк талашиб судма-суд юрган айрим йигитлар кўз олдимиизда гавдаланади.

Шерзод Ҳикматов бугун миллий урф-одат, қадрият ва маданиятимизга рахна солаётган «оммавий маданият» ҳақида ҳам сўз юритаркан, «Оммавий маданият – сиртдан қараганда ниҳоятда чиройли кўринадиган, аслида эса минг йиллик қадриятларимизга рахна соладиган, уни таг-томири билан юлиб ташлашга ҳаракат қиласидиган чиркин иллатдир», дея ўз қарашларини тўлақонли, асосли баён этган.

Ушбу асар ёш авлодни буюк аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбия топишларида, ватанпарвар инсонлар бўлиб улрайишларида ўз ҳиссасини қўшади, деб умид қиласман.

**Мавлуда ЗИЯЕВА,  
1-Республика тиббиёт  
коллежи директори**

## **КЕЛАЖАККА ДАДИЛ ҚАДАМ**

Мана, бир неча йилдирки республика-миз ўқувчи-ёшларини Қуролли Кучлар са-фига – ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий би-лим юртларига киришга тайёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ўзаро мада-ний-спорт алоқаларини йўлга қўйиш мақса-дида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақа-лари ўтказиб келинмокда.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргар-лик» фани Ўзбекистон Республикаси «Уму-мий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, республикамиздаги барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей-ларда ўқитилади. Тошкент шаҳрининг Чи-лонзор туманида жойлашган 13 та касб-ҳу-нар коллежи ва 4 та академик лицейлар-да ҳам ушбу «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани юқори савияда ўқитил-моқда, келажагимиз эгалари бўлган ёшла-римиз онгига ҳарбий-ватанпарварлик ғоя-ларини сингдиришда кўплаб устозлар наза-рий ва амалий ишларни олиб бормоқдалар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Му-дофаа вазирлиги Чилонзор туман мудофаа ишлари бўйича бўлими Чакириловчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бош-

лиғи Шерзод Ҳикматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. У бошлиғидаги ҳарбий раҳбарларимиз ёшларимизнинг ҳар томонлама – жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатдан камол топишлари учун астойдил иш олиб бормоқдалар. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ишларининг санарадорлиги бўйича бизнинг Чилонзор тумани бир неча йиллардан бери Республикада илфорликни қўлдан бермай келмоқда.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги натижаларимиз санарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунинг яна бир сабаби коллеж ва академик лицейларда фаолият олиб бораётган ҳарбий раҳбарларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганларида деб биламан.

Бир кунлик ўқув машғулоти ҳар ойнинг биринчи чоршанбасида ўтказилади. Бу ўқув кунида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанига оид янгиликлар билан танишиб, фандаги бошқа мавзулар ҳақида фикр алмашинади.

Уч кунлик ўқув машғулоти январь ойининг биринчи ўн кунлигига ўтказилади. 14 январ – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган кунни тантанали равишда ўтказиш ва уни оммавий тарбибот воситалари ёрдамида ёритиш учун Шерзод Ҳикматов бошлиғидаги режа ишлаб чиқилиди. Режага асосан Чилонзор туманидаги барча касб-хунар коллажларида ва академик лицейларда бу байрам жуда кўтаринки руҳда ва аъло даражада ўтказилади. Бу тад-

бирларга иккинчи жағон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қылган фахрийлар, байналмилал жангчилар, ҳарбий қисмлардан офицерлар, сержантлар, аскарлар, оркестр, ашула ва рақс ансамблари таклиф этилади.

Август ойида бўлиб ўтадиган беш кунлик ўқув жараёнида ҳам бир йиллик иш режалари кўриб чиқилади, янги ўқув йилига пухта тайёргарлик бошланади.

Ватанинни севиш – бу ўз ўлкаси тарихи, маданияти, қадриятларини билиш ва уни кўз қорачиридек асраш демакдир. Ватанпарварлик – бу элим деб, юртим деб ёниб яшашдир. Чилонзор туман мудофаа ишлар бўйича бўлими Чакириловчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи Шерзод Ҳикматов ёш бўлишига қарамай интилувчанлиги, тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги билан атрофдагилардан ажралиб туради. Сўнгги етти йил давомида унинг фидойилиги билан Чилонзор тумани ёшлари турли йўналишлардаги танловларда, жумладан, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча бор Республика босқичи ғолиби бўлдилар.

Бундан ташқари, унинг жонкуярлиги, талабчанлиги сабаб тумандаги барча коллеж ва академик лицейларда Чакириувга қадар бошланғич тайёргарлик таълими дастури асосида ўқув хоналари талаб даражасида жиҳозланди. Шу билан биргаликда ўқувчи-ёшлар ўртасида олий ҳарбий таълим мусасасаларида тарғибот ва ташвиқот ишлари кенг кўламда йўлга қўйилди. Ҳар йили Чилонзор туманидан олий ҳарбий таълим му-

ассасаларига кириб, ўқишлиарини давом эттираётган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

2008 йили Чилонзор туманидаги атиги битта коллежда «Шунқорлар» кийими мавжуд эди. Шерзод Ҳикматовнинг жонкуярлиги, шижаоти билан ҳозирги кунга келиб барча ўқув юртлари «Шунқорлар» жамоаси янги кийимга, яъни формага эга бўлдилар.

Бугунги кунда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари юксак савияда, кўтаринки руҳда ўtkазиб келинмоқда. Пухта ҳарбий-тактик тайёргарликка эга бўлиб бораётган гурӯҳларимиз саф тайёргарлиги ва тақдимот жараёни муҳташам «Бунёдкор» спорт майдонида ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этилмоқда-ки, бу бутун Ўзбекистон халқига бошланғич ҳарбий тайёргарлик ишларидаги ютуқлар ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Шерзод Ҳикматовнинг ташаббускорлиги ва жонкуярлиги натижасида ёшларда мардлик, қатъиятлилик фазилатларини шакллантириш, интизом ва жамоатчиликка таянишга ўргатиш каби кўплаб яхши тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Биз, Чилонзор тумани ҳарбий раҳбарлари шундай ёш, шижаотли, фидойи кадрларга суюнамиз ва улар билан фахрланамиз.

**Шуҳрат ПОЛВОНОВ,  
Байналмилал жангчи**

## ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БИРИ

Бугунги глобаллашув даврида «оммавий маданият» деб аталган оқимнинг ёшлар онгига салбий таъсири, миллий-маънавий, минг асрлик қадриятларимизга рахна солаётгани, уларни тобора ўз домига тортишга уринаётгани барчамизни, ўзини ватанпарвар деб билган ҳар бир юртдошимизни огоҳликка даъват этиб, кўзимизни каттароқ очишга, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборлироқ бўлишга унданмоқда.

Ҳозирда дунё саҳнида рўй берадиган тўстўполонлар, кўплаб бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётгани, манфур кучлар томонидан илгари сурилаётган ёт ғоялар жамиятнинг нозик қатлами бўлган ёшларнинг қалбига кириб қолаётгани, улар амалга ошираётган инсон тасавурига сифмайдиган қабиҳликлар ёшлар тарбияси энг устувор масалалардан бири эканини ҳаётнинг ўзи бизга қайта ва қайта исботлаб бермоқда.

Интизом бор жойда албатта, ютуқ, ривожланиш бўлади. Тартиб йўқ жойда эса табиийки, уруш-жанжал, бошбошдоқлик, тарафкашлиқ авж олади. Тарихдан яхши маълумки, қаерда тартибсизлик, фаҳш, ўзбошим-

чалик каби салбий иллатлар авж олса, ўша ер барбод бўлган, таназзулга юз тутган.

Минг шукрлар бўлсинким, бизнинг юртимизда тартиб-интизом ҳукмрон, осмонимиз мусаффо, жамиятимизда соғлом фикрли инсонлар борлиги учун ҳам бугунги тараққиёт, бугунги дориламон кунлар бизга насиб этиб турибди. Ёшларимиз замонавий талаблар асосида таълим-тарбия олаяпти. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзи бир ёшларимиз билиб-билмай, кўр-кўрона «оммавий маданият» тузогига тушиб қолмоқда. Виртуал ўйинлар, пирсинг, татировка, селфи каби ёт иллатлар ўзбек ёшлари билан ўраб олишга уринаяпти. Аммо биз тарихи шонли, келажаги буюк халқ фарзандларимиз. Боболаримиз ўз вақтида дунё тараққиёти учун тамал тошини қўйганини жаҳон афкор оммаси яхши билади, зътироф этади.

Мен шунқорлар сиймосида ватанимизга садоқат билан хизмат қиласидиган, юрти учун жонини беришга тайёр мард, жасур, қадамидан ўт чақнайдиган ўғил-қизларимизни тасаввур қиласман. Шунқорлар – Она Ватанимиз таянчи, суюнчи бўлишига ишонаман.

Мана шундай ишонч ва умид мени қўлингиздаги китобни ёзишга ундали. Унда меҳнат фаолиятим, шахсий ҳаётимдан чиқарган хуносаларимни баён этишга ҳаракат қилдим. Эртанги кундан нималарни кутаяпман, Ватаним олдидаги масъулиятим қандай, ота-онам

учун қандай яхшилик қила оламан деган саволлар ҳеч тинчлик бермайди. Истардимки, юртимизнинг камолга етаётган ҳар бир ўғлони, ҳар бир қизи қалбини ҳам мана шундай истаклар эгалласин.

Китобни ўқиб тутатганингиздан кейинги фикрларингиз, хуносаларингиз мен учун қадрли, азиз юртдошим.

***Муалиф***

## **ҲАЁТ САБОҚЛАРИ**

---

### **ТАРВИЯЧИННИНГ «ТАРВИЯСИ»**

Навоий вилоятининг Хатирчи тумани марказида Самарқанд кўчаси бор. Болалигим кечган бу кўча мен учун энг азиз гўшалардан бири. Эсимда, ўша пайтлари «Мажнунтол» номли мактабгача таълим муассасасига қатнардим. У ердан олган хотираларим бир олам. Бир куни денг, ерда ётган тошнинг япалоқлигига ишқим кетиб, уни осмонда учадиган жисм деб ўйлаб, само бағрига улоқтиридим. Отган тошим кўкка парвоз қилиш ўрнига тўппа-тўғри ошхона деразасига бориб тегди. Дераза чилчил бўлиб синди. Буни кузатиб турган тарбиячим мени қаттиқ жазолади. Эртаси куни эса, боғчадошим ҳамда ён қўшним бўлган ўртоғим Камол билан тушликдан сўнг бериладиган танаффусдан фойдаланиб, Оқдарёга чўмилгани боришга келишиб олдик.


Буни қарангки, эртаси куни боғчани тарк этиб, бир ярим километрча узоқликдаги дарё кўприги томон югурдик. Дарёга етиб келганимизда сув шиддат билан оқарди. Оқиб кетмаслик учун дарёning саёзроқ жойини қидира-қидира сувга тушдик. Эндиғина сузишни бошлаган эдик ҳамки, биз томонга важоҳат билан югуриб келаётган аёлга кўзимиз тушди.

Тарбиячи опамиз бизни қандай топди экан? Бу сафар ҳам жазодан бенасиб қолмадим. Ўртогим ҳам роса таъзирини еди.

Боғча опанинг берган жазосидан хомуш бўлиб, хаёлан мазайканинг нўхотдек келадиган донасини ўйнаб бурнимга тиқиб қўйдим. Шунча ҳаракат қилсам ҳам чиқара олмадим. Ўйдагиларнинг койишидан қўрқиб, бу воқеа ҳақида ота-онамга айтмадим.

Тонг саҳар уйғонганимда бурнимнинг шолғомдек шишиб кетганини билдим. Отам жоними ни оғритиб бурнимдаги донани дўхтирларнинг қисқичи билан олиб ташлади. Тарбиячининг ўта даражада қаттиққўллиги сабаб, мурғак қалбимда тан азобидан жароҳатлар қолди.

Сўзимнинг охирида боғча тарбиячиларига икки оғиз сўз айтмоқчиман: Қадрли опа-сингиллар! Қўл остингизда тарбияланаётган бўлғуси шунқорларни қаттиқ койиманг, улар ҳали гўдак. Улардан катта инсонларга хос фазилатларни талаб қўлманг. Бола чўмилишни хоҳлабдими ёки ўйинни истабдими, унга шароит яратинг. Унинг дунёсида қўлингиздан келса кема ясад, ушбу кемада бирга сузинг. Болакай кема капитани бўлиб ўз кемасини бошқарсин, уни уммон, довулларидан олиб чиқсин. Сиз унга эшкак бўлинг, сиз унга тиргак бўлинг. Асло уни кемадан итариб юборадиган довул бўлманг. Болажонлар ўзларига тиргак бўлган инсонларни ҳеч қачон унутишмайди.



## **МАКТАБ ВА ЛИЦЕЙ ҲАЁТИ**

Мактаб даврида ўқитувчиларим қил устида турибсан, деб мени қўрқитишарди. Сабаби, жуда шўх эдим. Мактабни тугатганимдан сўнг, ўқиши лицей-интернатда давом эттира бошладим. Бу ерда талаб қаттиқ, назорат кучли эди. Тўғриси, кўпчилик курсдошларим қатори менинг ҳам интернат ҳаётига мослашишим қийин кечган. Мактаб ва лицейда мен учун тортилган қилдек ҳаёт кўприги мустаҳкам олтин кўприкка айланди. Устозларимнинг тарбияси мени энг аълочи ўқувчилар сафига қўшди. Ҳар гал муваффақиятга эришганимда қалбимда устозларимга нисбатан миннатдорлик ҳиссини туяман.

### **ҲАЁТ МАКТАБИ**

Лицей-интернатни тамомлаб, Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил Кўмондонлик Муҳандислиги билим юртига ўқишига қабул қилинди. Шу тариқа ҳарбий ҳаёт бошланди. Дала майдонига 40 кг юк билан 15 чақирим ма-софага югуриб кетдик. Қирқ кун мобайнида дала майдонида бўлдик. Баъзи бир курсдошлар машғулотларга чидай олмай, уйларига қайтиб кетишли.

Ўша ерда сувнинг нақадар буюк неъмат эканига ишонч ҳосил қилган эдим. Сув курсантларга меъёрдан ортиқ берилмас, биз сувсизликка чидашга, сабр-тоқатимизни тоблашга мажбур эдик. Мактаб ва лицейдаги фидойи

устозларимнинг берган тарбияси мени тўрт йил ичида машаққатли машғулотларга чидашга ўргатди. Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатдим.

Бугунги кунда аксарият ёш укаларимизнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига бўлган қизиқиши ортиб бораётир. Улар келажакда Она юртимизнинг мустаҳкам қўрғони посбонлари бўлишига ишонаман. Ҳарбий ҳаёт мактаби йигит кишини асл ўғлон қилиб тарбиялаб, вояга етказишига ишонч ҳосил қилдим.

## **ПОЛКОВНИК БЕРГАН САБОҚ**

2004 йилнинг ёз фасли эди. Тошкент шаҳрида умумармия ўйинлари бўлиб ўтди. Бизнинг Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил Қўмондонлик Муҳандислик билим юрти жамоаси барча спорт турлари бўйича ғолиб бўлиб, кўчма кубокни қўлга киритди. Қувончимизнинг чеки йўқ. Мусобақанинг сўнгги куни биз ғолибларга Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) майдонида ҳордиқ чиқариш учун имконият яратиб берилди. Спорт клуби ўша йиллари пойтахтимизнинг муҳташам «Бунёдкор» марказий стадиони ўрнида жойлашган эди.

Ёшлигимдан бильярдни яхши кўрганим учун хизматдошларим билан ўйинга шўнғиб кетдим. Бу орада ҳарбий билим юрти «Жисмоний тарбия» кафедраси бошлиғи бизга таниш бўлмаган полковник билан бильярд столи ёнига келишди. Улар ёзнинг жазирамасида ҳавасимизни келтириб, муздеккина минерал сувни ичиб ўзаро сұхбатлашишарди. Полковник қў-

лидаги шишани бильярд столи устига қўйиб, сұхбатни давом эттираарди. Мен бу пайтда узокда турган тошни мўлжаллаётгандим. Хаёлим муздеккина минерал сувга кетдими ёки бошқа сабабданми, тошни қаттиқроқ уриб юбордим. Тош ҳавога кўтарилганича тўп-па-тўғри шишадаги сувга бориб тегса бўладими! Яна денг, шишанинг ўрта қисми қолиб, бош қисми парчаланиб кетди. Ўша парчалардан бири полковникнинг бўйнига санчилиди. Кўрқиб кетдим, чунки бу ишим учун ҳарбий билим юртидан ҳайдалишим аниқ эди-да!

Шиша қадалган жойдан тизиллаб қон оқди. Полковник вазминлик билан қон кетаётган жойга рўмолчасини қўйиб, бизга қараб ўйинни давом эттираверинглар, деди. Кўзлари катта-катта бўлиб кетган кафедра бошлиғимиз:

– Нима қилиб қўйганингни биласанми курсант? – дея менга бақира кетди. Мен билмасдан тан жароҳати етказиб қўйган инсон Мудофаа вазирлигининг катта лавозимдаги ҳарбий хизматчиси экан. Полковник мен бу ишни қасдан қилмаганимни, бундай тасодифлар ҳаётда бўлиб туришини тушунтириб, менга далда берди. Бу инсоннинг вазиятга ҳаққоний баҳо бергани, мени нокулай вазиятдан олиб чиққани бир умрга сабоқ бўлди.

## **ФАЛАБА ВА МУСТАҚИЛ ҲАЁТ**

Кўчма кубокни қўлга киритиб, кўтаринки кайфиятда ҳарбий билим юртимизга қайтдик. 2005 йил 18 июн куни севимли масканимиз билан хайрлашиш фурсати етди. Битирув ке-

часи куни батальон командирининг тарбия-  
вий ишлар бўйича ўринбосари, майор Алишер  
Нарзуллаев мени ёнига чорлаб, ўзинг ва хиз-  
матдошларинг номидан сўзга чиқ, деди. Мен  
минбарда туриб қаерда ва қайси лавозимда  
бўлмайлик, доимо устоз ва командирларимиз-  
нинг ишончини оқлашга, юртга садоқат билан  
хизмат қилишга ваъда бердим.



Ўша вакт бизга батальон командиримиз  
майор Муслим Гасановнинг мактубини ўқиб  
беришди. Командиримиз Германияда хаста  
рафиқасининг дардига шифо излаб юрганига  
қарамай, биз курсантларга меҳр кўрсатгани  
юрагимизни тўлқинлантириб юборди.

Лейтенант унвонини қўлга киритиб, ҳар-  
бий хизматни давом эттириш учун Тошкент  
شاҳрига йўлланма берилди. Бу ерда ҳам ва-  
зифаларни садоқат билан бажаришга ҳаракат  
қилдим. Жигарим хасталанганилиги туфай-  
ли операция столига ётишга мажбур бўлдим.

Оёққа тургач, хизматни давом эттирдим. Шу орада уйландим, ола хуржун бўйинга илинди. Хизматчилик, ишим Фарғона шаҳрига кўчириладиган бўлди.

## ОИЛА

Тақдир экан, Фарғонада турмуш ўртоғим билан ажрашишга қарор қилдим. Суд томонидан белгиланган муддатда ажрашдик. Ҳарбийнинг аёли оғир-вазмин, сабр-бардошли бўлиши талаб этилади. Аёлим билан негадир муросамиз келишмади. Ҳатоларимни бирма-бир қорозга ёзиб чиққач, айб ўзимдан ўтганига амин бўлдим. Кўз олдимга ширин қизалоғимнинг отасиз, ўксисб вояга етиши келганда, ўзимдан нафратлануб кетдим. Негаки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ниҳоятда тўғри таъкидлаганидек: «...бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор, оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор, фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Оиласини асрраб қололмаган йигит қандай қилиб юртини ғанимлардан ҳимоя қила олади, деб ўйладим. Раҳбариятдан мени захирага бўшатишларини сўрадим.

Захирага бўшагач, оиламни қайта тикладим. Шунда онам кўзларида ёш билан: «Болам, мактаб давридан то ҳозиргacha ўз билганингча яшадинг. Хотининг билан ҳам ўзбошимчалик қилиб ажрашдинг. Ҳарбий хизматдан ҳам

ўз хоҳишингга кўра бўшаб, ҳаётда ютқазган эдинг. Оилангни тиклаб, биринчи хатоингни тўғриладинг. Энди ўз олдингга аниқ мақсад кўйиб олсанг-чи, болам!» дедилар.

Онажонимнинг ушбу сўзлари мени чуқур ўйга толдирди... Ўзимни мевасиз ва япроқла-ри тўқилган ёлғиз дараҳтдек ҳис қилдим. Мен учун бамисоли қишининг қаҳратон аёзи бошланган эди.

## **ПРЕЗИДЕНТ НОМИГА МАКТУБ**

Онам Юртбошимиз номига: «Ўғлим ҳарбий-ликни жонидан ортиқ яхши кўради. Ҳатто медал ҳам олган. Тушунмовчилик сабабли ишдан бўшади», деган мазмунда мактуб йўллабди. Бир нусхасини менга кўрсатиш мақсадида Тошкентга олиб келди. Мактубни ўқиб, бекор ёзиб-сиз дея онам бояқиши койидим-да, ўша заҳоти Президент Девони сари ошиқдим. Масъул ходимлар билан учрашиб, хатни бекор қилдим. Ростдан ҳам, раҳбарларни менинг муаммоларимдан бошқа ишлари каммиди, ахир. Сабот ва матонат билан ишласанг, амалда ўзингни кўрсатсанг, албатта ютуқقا эришасан, деб ўзимга ўзим далда бердим.

## **БЎШ ИШ ЎРИНЛАР ЯРМАРКАСИ**

2009 йилнинг июл ойида Бобур номида-ги истироҳат боғида бўш иш ўринлар учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Табиийки, у

ёкқа бормаслигим мумкин эмас эди. Ишона-сизми, ҳар бир соҳа бўйича иш бор. Узокдан ҳарбий кийимдаги одамларни кўриб қолдим. Минг бир ўй-хаёл ичида уларнинг ёнига бордим. Иш сўрадим.

– Иш бор, йигитча. Ойлиги 170 минг. Ҳар куни маҳаллама-маҳалла чақирув қоғозлари-ни тарқатасан, – дейишди. Ўша пайти бу пулга рўзғор тебратиш қийин эди. Аммо севган касбимга бўлган меҳр мени ўзига оҳанрабодай тортди, рози бўлдим. Улар айтгандек, кўча-ма-кўча юрдим, маҳалла фаоллари билан ел-кама-елка ишладим. Ҳалол меҳнат, пешона терига келган ойликка рўзғор тебратдим.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek: «Мен фурур ҳақида кўп гапираман. Негаки, фурур ва ифтихор билан яаш ўзликни асраш, бу дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан барчага тенг муносабатда бўлиш деганидир. Бундай ҳаёт тарзига ҳамма ҳам эришавермайди. Ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховатпешалик каби кўплаб чин инсоний фазилатлари қаторида яна шундай улуғ хусусияти борки, у ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган. Буюк аждодларимизни, Амир Темур бобомизни эсланг, уларнинг ўтиларига қулоқ тутинг. Ҳар қайси одам – у қандай ёшда бўлмасин, қаерда ва қайси лавозимда ишламасин – бошига қандайдир оғир иш ёки ташвиш тушганида, мен кимман, қандай буюк зотларнинг авлодиман, деган саволни ўзига берса, тўғри йўлни албатта топади».

Дарҳақиқат ҳаёт синовларидан оғишмай қадам босаётган ҳар бир ёш йигит учун ушбу ҳаётий сўзлар, фахр ва ифтихор бағишилаб, келажакка дадил қадам босишимизга куч ва асос бўла олади.

## **«ШУНҚОРЛАР» МАСЪУЛИЯТИ**

Ўқув муассасаларидаги ҳарбий раҳбарлар орасидаги ҳаётим бошланди. Етти йил давомида кўплаб коллеж ва лицей ўқувчилари ичидагисмоний жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан баркамол шунқор йигит-қизлардан иборат жамоа тўплашга муваффақ бўлдик. Биз ташкил этган «Офицерлик – шарафли касб», «Мардлар кўриқлайди Ватани», «Мард майдонда синалади» каби тадбирлар кўпчиликнинг эътибори ҳамда эътирофига сазовор бўлди.

Ўқув муассасаларидаги олиб борилаётган «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фанига оид машғулотлар ўқувчиларнинг ҳар томонлама чиниқишлирига катта ҳисса қўшиди. Олий ҳарбий билим юртларига, ҳарбий хизмат турларига, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига саралаш ишларидаги ҳам амалий ёрдам берди.

Ушбу эзгу ишлар орқали ҳалқ билан армия ўртасидаги кўприк янада мустаҳкамланиб, ўқув муассасаса раҳбарларининг ушбу соҳага эътибори, ҳарбий таълим раҳбарларининг фидокорона меҳнатлари кўзга яққол ташлана бошлади.

Бугунги кунда шунқорларнинг кўпчилиги нуфузли идораларда хизмат қилаёттир.

Эсимда, илк иш кунимда уларнинг эгнида намунали кийими йўқ, кўзларида бугунгидай ўт чақнамасди. Ҳозирда улар билан гаплашсангиз, кўзларига боқсангиз, бир олам қувонч ҳамда завқ оласиз.

Бугун «Шунқорлар» сафидағи йигит-қизларнинг босган изидан ўт чақнайди, олдига қўйган мақсади аниқ, фикри тиниқ, нияти холис. Бу бошланғич ҳарбий тайёргарлик йўналиши турли жабҳаларда, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг миллий-маънавий оламининг дахлсизлигини асраш борасида буюк янгилиниш ва ютуқларни олиб келади, деб ўйлайман. Чунки Ватан равнақи йўлида ҳар қандай ишни интизом ва яхши ният билан бажарган инсонларнинг тилаги амалга ошади. Интизом бор жойда иқтисод барқарорлашади. Ҳаёт йўлларимизнинг ёруғ бўлиши мустаҳкам эътиқодимизга ва устозларнинг берган таълим-тарбиясига кўпроқ боғлиқ экан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим бераётган ҳарбий раҳбарларнинг ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашишлари, бу борада уларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлашимиз лозимлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири деб ўйлайман. Чунки Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз саклашда ҳарбий куч-кудрат, Қуролли Кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш

олиб боришимиз керак, деган савол бутун барчамизни ўйлантириши табиий».<sup>3</sup>

Шундай экан, интизом, тартиб бор жойда ўсиш, юксалиш бўлади. Улар йўқ жойда тартибсизлик, тарафкашлик, турли можаролар авж олади.

Дунёдаги энг шарафли касб – ёшлар онгиға Ватан туйғусини сингдириш, уни комил инсон қилиб тарбиялаш экан, ёшларга шахсий ибрат намуна қилиб кўрсатилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

## **ВАТАННИ АСЛ ЎГЛОНЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ!**

Бир куни туманимизнинг мудофаа ишлари бўлимига бир йигит келиб, ҳарбий хизматга боролмаслигини айтиб қолди. Очифи, жудаям ҳайрон бўлиб қолдик. Чунки бундай ҳолатлар жуда камдан-кам рўй берар эди-да. Унинг оиласий аҳволини, соғлигини обдан ўргандик. Барчаси хизматга сафарбар қилиш меъёrlарига тўғри келади. Бизнинг қаттиққўллик билан берган саволларимизга у кутилмаганда йиглаб юборди. Унинг йигитликка тўғри келмайдиган бу ҳаракати ҳам аччиғимизни чиқарди, ҳам унга раҳмимизни келтирди.

Ватанни севиш, уни ардоқлаш, уни ҳимоя қилиш, аввало, ҳарбий хизматдан бошланар экан, хизматни ўтай олмаган, қўрқоқлик ва ношудлик қилиб, ўзини касалга солган йи-

---

<sup>3</sup> И.Каримов. Терроризм хавфи тўғрисида. – Т.: – Шарқ, 2002. – Б. 103.

гитлардан қандай қилиб Ватан ҳимоячилари чиқади? Дунёга Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобурдек буюк саркардаларни етиштириб берган юрт авлодларига бундай баҳоналар асло ярашмайди.

Истиқдолга эришганимиздан сўнг хизмат турлари шакллантирилди, сафарбарлик чақируви резерви хизмати ташкил этилди. Биринчи Президентимиз томонидан ҳарбий қисмларда дунё аҳлини лол қолдирадиган даражадаги шароитлар яратилиб берилди. Ҳарбий хизмат турининг қайси бири бўлмасин, садоқат билан ўтаган ёшларимиз, ҳарбий хизматга бормаган ёшларимиздан яхши жиҳатлари билан ажралиб турмокда. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳалиги йигитга бу ҳақда гапира туриб, шундай дедик:

– Укажон! Кўзларингдаги ёшни арт, қаддингни баланд тут-да, Ватан ҳимояси, юрт мудофааси сари отлан. Сен ҳам шунқор бўл, ўт бўл, олов бўл. Асло қўрқоқ бўлма. Унинг ишонган ўғлонлари сафида бўл. Йўқса, сени Она Ватан кечирмайди!

Шундан сўнг у йигит ижобий томонга ўзгарди.

## **ҲАҚНАЗАР АМАКИМ ИЗТИРОБЛАРИ**

Ҳикмат бобомнинг кичик фарзанди – Ҳақназар амаким 1938 йилда Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. Шу ерда ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд шаҳрида, кейинчалик Новосибирск университетида таҳ-

сил олган. Ўша давр анъанасига амал қилиб, россиялик рус аёли Нина янгамизга уйланган. Чунки ўша пайтларда аралаш никоҳлар, айниқса мусулмон ва бошқа дин вакилларининг оила қуриши партия олиб борган сиёсатга жуда мос тушган.

Ушбу ёш оила Сурхондарё вилоятининг Денов туманига ишга юборилган. Амаким тақдирида туғилиб ўсган вилоятида эмас, балки олис Сурхоннинг бир чеккасида ишлаш битилган эди. Ўрис янгам мактабда ўқитувчилик қилган бўлса, амаким савдо идораларидан бирининг масъул ходими бўлган. 1962 йилда уларнинг оиласида ўғил фарзанд дунёга келган. Шу йигит вояга етгач, Москвадаги ҳарбий билим юртида таҳсил олиб, рус қизига уйлан-



Ҳақназар Ҳикматов турмуш ўртоғи  
Нина Ҳикматова ва ўғли Вячеслав Ҳикматов.  
Сурхондарё вилояти Денов шаҳри, 1975

ган. 1985 йилда амакимнинг хотини Нина янгамиз вафот этган. Ўғли онасининг маъракаларида қатнашган, аммо онасининг вафотидан кейин отасини деярли йўқламаган.

Амаким ўшандада ҳам тақдирдан нолимай яшарди, ўз оиласидаги баҳтли дамларни тез-тез эслаб турарди, хотини ва ўғлини, уларга бўлган меҳрини айтишдан чарчамасди. Чунки у ҳақиқий коммунистик рояни ўзида сингдирган, партия йўлини бир умрлик тўғри йўл деб билган, унинг мағкурасига чиппа-чин ишонган инсон эди. Эҳтимол, истиқдол йилларида-ги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрмаганида, айни шундай эътиқод билан бу дунёдан ўтиб кетармиди...

Яратганга шукрлар бўлсинки, 1991 йилда кўлга киритилган давлат мустақиллиги барча юртдошларимиз қаторида Ҳақназар амаким ҳаётида ҳам кескин ўзгариш ясади. Амаким юртимизда олиб борилаётган улкан ислоҳотларни кўрди, Ватанимизнинг ҳар гўшасида амалга оширилаётган ўзгаришлардан хабардор бўлди. Энг муҳими, ўша давргача олиб борилган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини англаб етди, шўро раҳбарларининг кирдикорларини билиб олди, ўзбек халқининг бошига тушган оғир кунларнинг асл сабабларини тушуниб етди. Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқ учун хомашё базасига айланиб қолгани, баландпарвоз шиорлар остида қандай машъум ниятлар борлигини фаҳмлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов такидлаганидек, «Мана энди СССР деган давлат йўқ бўлиб кетди. Кимдир

бундан хурсанд бўлса, яна кимдир, афсуски, ўша даврларни қўмсаб яшаяпти. Аслида, империялар, зўравонлик билан тузилган давлатлар ҳеч қачон узоқ яшамайди. Бу – тарих ҳақиқати».

Ҳақназар амаким Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб жуда қувонди, айни пайтда социалистик тузумнинг асл башарасини англаб, собиқ тузум равнақи йўлида сарфлаган умрининг зое кетганини ич-ичдан фаҳмлаб етди. Хусусан, Биринчи Президентимизнинг оммавий ахборот воситаларидаги ҳар бир чиқишини синчиклаб кузатиб борарди. Айниқса, таълим-тарбия борасидаги ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар амакимни безътибор қолдирмасди. Спорт ва санъатдаги ёшлиаримизнинг дунё миқёсида эътироф этилаётганидан жуда хурсанд бўларди. Ҳарбий соҳадаги ўзгаришлардан амакимнинг боши осмонга етди. Менинг ҳарбийликни танлаганимдан фахрланиб, «Илоё, касбингдан барака топгин, асл мард йигитларгина Ватанинг асл посбони бўлади, болам», дея мени олқишилаб қўярди.

Амакимни туғилган жойи – Хатирчига қайтариб олиб келолмадик. Қанчалик қистамайлик, хотинининг қабри шу ерда эканини, унинг руҳини шод этиш лозимлигини айтарди. Мен амакимнинг сўнгти кунларида унинг ёнида эдим, сўнгти йўлга кузатишда бош-қош бўлдим.

Сурхондарёнинг улкан тоглари ва рус қабристони кўриниб турадиган баланд бир тепалиқдаги қабрга қўйдим. Ҳақназар амакимдан менга мингга яқин китоблар ҳамда унинг

аламли изтироблари қолди. Мен амакимнинг руҳи покларига атаб ҳар куни дуо қиласман: илоё охиратлари обод бўлсин.

## ҚАЛДИРФОЧ ҚИССАСИ

Чамаси олти ёшларда эдим. Баҳор фасли эди. Бир куни маҳалламиздаги симёғочда қалдирғочлар чуғурлашиб турганини кўриб қолдим. Ердан каттароқ тошни олдиму, қалдирғочларга қаратадим. Тош қушлардан бирига бориб тегди. Бечора қуш типирлаганча жон таслим қилиш ҳолатида ерда ётарди. Бора солиб кўлимга олдим. Кўлимга олишим билан қалдирғочнинг жони узилди. Буни кўрган отам:

– Болам, қалдирғочни бекорга нобуд қилдинг, – дея қаттиқ койиди.

Қалдирғочга нисбатан қилган шафқатсизлигим учун чин дилдан пушаймон бўлиб, уни кўчамизнинг четига кўмдим.

Ишонасизми, бу воқеа олти яшарлигимдан то ўтган йилнинг баҳор фаслига қадар, яъни 25 йил мени виждан азобида қийнади. Ҳар йили кўкламда қалдирғочларни кўрганимда, юрагимда бир түрён кўтарилади.

2015 йилнинг баҳор фаслида, ҳаво қаттиқ совиб кетган маҳали ишхонамнинг ойнасидан ҳовлига қарасам, ерда қанотларини ёзиб, типирчилаб жон ҳолатида бир қалдирғоч ётибди. Югуриб ҳовлига чиқдим. Ердаги қалдирғочни олиб, хонамга олиб кирдим. Совқотиб қолган. Танасига нафасим билан иссиқ ҳаво бергандай бўлдим. Қалдирғоч анча жонланди. Сувдонга сув солдим ва нонни бўлакчаларга бў-



Ш. Ҳикматов отаси Аширбай Ҳикматов билан.  
Навоий вилояти Хатирчи тумани, 1994 йил



Ш. Ҳикматов онаси Фотима Ҳикматова билан.  
Навоий вилояти Хатирчи тумани, 1993 йил



Шерзод Ҳикматов Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳарбий таълим  
раҳбарлари билан. Тошкент, 2016 йил



«Бунёдкор» марказий стадиони.  
«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг тақдирилаш маросими



Чилонзор туманидаги Тошкент  
педагогика коллежи жамоаси



2-Тошкент юридик коллежи жамоаси



Чилонзор педагогика коллежи жамоаси



Танлов – ёшлар нигоҳида



Чилонзор туманидаги 1-Республика тиббиёт  
колледжи жамоаси



Чилонзор туманидаги Тошкент радио-техника  
касб-хунар колледжи жамоаси



Чилонзор туманидаги Тошкент автомобил  
йўллари касб-хунар коллежи жамоаси



Чилонзор туманидаги 2-Тошкент  
юридик коллежи жамоаси



Ўзбекистон Миллий университети қошидаги  
С.Х.Сирожиддинов номидаги академик  
лицей жамоаси



Чилонзор туманидаги коммунал хизмат  
кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси

либ, хонамнинг бир бурчагида қунишибина ўтирган қушнинг ёнига қўйдим.

Эртаси куни келсам, у столимдаги компьютер устида турибди. Мана сенга деб, «совға»си ни монитор юзига чаплашга ҳам улгурибди. Мен қалдирғочга қараб «тўғри қилибсан», дея ҳазиллашдим.

Шу қадар ҳайратда эдимки, қўлимдаги қалдирғоч мендан қўрқмай қаддини фоз тутиб турарди. Ташқарига қарасам, қуёш чараклаб турибди, ҳаво яхши. Деразани очиб, қўлимни ташқарига чиқардим. Қалдирғоч пир этиб учиб кетди. Қушнинг само узра қанотини кенг ёйиб парвоз қилишини кузатарканман, ўзимни 25 йилдан бери юрагимга санчилиб келаётган виждон азобидан қутулгандек ҳис қилдим.

## **ТУЛПОР МИНГАН БОЛАКАЙ**

Самарқанд шаҳридаги тўйхоналардан бирида меҳмон бўлдик. Ёнимиздан ёғоч тулпор миниб олган болакай ўтиб қолди. Тулпорининг қоматини бир тепага кўтаради, бир пастга туширади. Болакай барчанинг ҳавасини келтирди. Даврадаги раққосанинг ҳаракатларидан кўра, бу боланинг қилиқлари ўзига бирам ярашган эди. Тўйхонадаги меҳмонлар ўйинчи қизга эмас, болакайнинг дўпписи остига пуллар қистириб қўярди. Болакай пуллар билан иши йўқ, ҳамон завқ-шавққа тўлиб ўйнарди. У беихтиёр менга болалигимни эслатиб юборган эди. Мен ҳамон тулпор минган болакайга ҳайрат билан тикилардим...

## **ФАРГОНАНИНГ ОШИ**

Фарғона шаҳрида хизмат қилган вақтимда дилга яқин ошна-օғайнилар билан ҳар уч кунда ош қиласарди. Қизиги, эртаси куни ҳам, индинига ҳам ҳамма ўз иши билан овора бўлиб кетар, учинчи кунга бориб, ошнинг хумори ту-таверарди. Ошни дамлаб, сўрига ўтиргач, энг аввало, қалампирли шўрва ичиларди. Табиийки, шўрванинг ичи қалампир ва ошнинг ёғли суякларига мўл бўларди. Бу шўрвадан кейин лаганда бир дона гуруч ҳам қолмасди. Шўрва иштаҳамизни карнай қилиб юборарди-да! Ҳозиргача уйда ош тайёрланса, унинг устидаги қалампир менга Фарғонага бормайсизми, де-гандек, ловуллаб туради.

## **ТОШКЕНТЛИК ОҚИЛ АКА ҲАЙРАТИ**

Отам кўпинча Тошкентдаги уйимда неваралар тарбияси билан машғул бўлади. Маҳалламиз одамлари билан жуда иноқ, айникса, тошкентлик Оқил ака билан ака-ука тутинган.

Хатирчидан амаким ўғилларини уйлантираётгани ҳақида хабар келди. Тўйга отам таниши Оқил акани ҳам олиб кетажагини айтди. Кўярда-кўймай меҳмонни ҳам Хатирчига олиб бордик. Тўй зўр ўтди. Отам суоламиз тўнфичи бўлгани боис, ёшларга оқ фотиха бериб, тўйни очиб берди. Тўйнинг ортиқча дабдабалардан ҳолилигини ҳамда келин томондан келган сандиқни кўриб Оқил ака ҳайратга тушди.

– Бизда келин томонга жабр қилиб хориж-нинг мебели, қўша-қўша лаш-лушлар қилина-ди. Мана, исрофгарчилик қилмасдан ҳам тўй ўтказса бўлар экан-ку.

Тўйдан икки ой ўтиб, мени йўлда кўриб қолди-да, янги келин-куёвларни сўради. Мен Оқил акага улар ҳозирда юртимиздаги энг баҳтли ёшлардан эканини, ҳеч нарсадан зориқмай яшаётганликларини айтдим. Шунда Оқил aka қўлини дуога очиб: «Илоё, келин-куёвлар қўшгани билан қўша қарисин. Мана шу куёвлардек мард, ор-номусли йигитларимиз сони кўпайсин. Фаҳм-фаросатли, оқила келинларнинг қадами қутлуғ келсин», дея ният қилди.

## **ПУЛ СОЧИШ ҲАМ АНЪАНАМИ?**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхиясида шундай мисралар бор:

“Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони”.

Дарҳакиқат, ўзбек халқини тавсифлайдиган сифатлар орасида бағрикенглик, саховатпешалик муҳим ўрин эгаллайди. Аслида, бундай бағрикенг, саховатпеша инсонлар доимо эл ардофида, халқнинг доимиий эътиборида бўлишади. Муқаддас ҳадисларимизда ҳам сахийлик, меҳр-мурувват кўп бора тилга олинган. Шу маънода ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, сахийлиги борасида кўп илиқ гапларни айтиш мумкин. Бироқ...

Яқинда бир тўйда қатнашдим. Ҳаммаси рисоладагидек: дастурхонлар тўкин, мезбон-

ларнинг илтифоти, хизматдаги йигитларнинг елиб-югуриши – ҳаммасига қойил қоласиз. Ош-овқатларнинг тартиб билан тортилиши, санъаткорларнинг хониши – барчаси кишини тўлқинлантиради. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганлариdek бир воқеа кўпчиликнинг фашига тегди. Бир ўрта ёшлардаги киши санъаткорларнинг ҳам, ўйинга тушаётганларнинг ҳам устидан пул соча бошлади. Тўғри, пул уники, қай тарзда сарф қилади, бу – унинг шахсий иши. Аммо, айни шу ҳолатнинг ўзиёқ ўзини англаган ҳар бир инсонни ташвишга солади.

Аввало, бундай ҳолат пул сочаётган кишининг маданий савиясини кўрсатади. Ахир, у пул сочишнинг ижтимоий томонларини ўйлаб кўрганмикан? Бу ўша шахснинг бойлигини эмас, балки маънавий қашшоқлигини кўрсатмайдими? Аслида, инсофли, диёнатли одам атаганини тўй эгасига тўёна қилади.

Очиини айтганда, пул сочиш ёки пул қистириш ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас. Шу билан бирга пул сочишнинг маънавиятимизга мос келмаслигини ҳам унутмаслик керак. Бинобарин, топилган маблаф ҳалол бўлиши ва эзгу ишларга сарфланиши зарур.

Назаримизда, масаланинг янада муҳим бир нозик жиҳати бор. Чунки сочилаётган пуллар бу – ўзбек сўми, яъни миллий валютамиз. Ахир миллий валюта ҳам ўзбекнинг ўзлигини на-моён этувчи, қалбларда миллий ифтихор туй-ғусини уйғотувчи рамзлардан бири эмасми? Ахир, миллий валютамизда давлат рамзлари

акс эттирилиб, она тилимиздаги сўзлар битилмаганми? Бизнингча, пул сочиш, бу – шахсий масала эмас, балки маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий масалалар сирасига киради. Шундай экан, биз ким эканлигимиздан қатъи назар, пул сочиш каби иллатларни қоралашимиз, миллий валютамиз қадрини англаб етishимиз лозим.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ТҮЙИ

2010 йили Қорақалпогистонда хизмат қилаётган дўстим Шерзод Чориев уйланаётганини айтиб, тўйга таклиф қилди. Адашим ҳамда яқин дўстим бу ерда офицер лавозимида ишлар, хизмат фаолиятини аъло даражада олиб борарди.

Қорақалпогистон қаердасан, дея хотиним ва болаларимни олиб йўлга отландим. Дўстимнинг уйига кириб борганимизда, бизни келин боланинг ўзи таъзим билан кутиб олса, денг! Тўй эртага, келин бугундан хизматга тушиб кетибди-ку! Кейин билсан, бу ернинг одати шундай экан.

Эртасига тўй ҳам бошланди. Камина – куёвжўра. Куёвнинг олдида савлат тўкиб ўтирибман. Ўртакаш йигит тез-тез менга маъноли қараб қўяр, ҳатто бир-икки «адресли» йўталиб ҳам олса, денг. Очифи, энсам қотди. Меҳмон экан деб синаяпти чофи, деб ўйладим.

Турли ўй-хаёллар ичida ўтирганимда, ўртакаш юборган шекилли, олдимда икки йи-

гит пайдо бўлди-да, қулоғимга бир нималарни шипшиди. Уларнинг гапига қараганда, мен куёвнинг ёнида эмас, балки келиннинг ёнида ўтиришим лозим экан, менинг ўрнимда эса келин янга. Ҳам жаҳлим чиқди, ҳам кулгим қистади. Мен йигитларга: «Ўртакашга бориб айтинг, мен куёвнинг ёнида ўтираман. Келиннинг ёнида келин янга ўтириши керак», деб айтдим-да, жойимдан жилмадим. Ўртакаш ака мендан ранжи迪 шекилли, бир-икки хўмрайиб, тўйни давом эттирди. Қорақалпоқ тўйи зўр ўтди.

Энг қизифи, тўйининг сўнгида бўлди. Келин-куёвни олиб чиқиб кетар маҳалимизда бир тўда одамлар жиққамушт бўлиб кетса, денг. Уларни ажратиб қўйишга эндиғина киришгандим, билагимдан бир йигит тортди-да: «Мехмон, сиз четга қочиб туринг, бу ёрини бизга қўйиб беринг. Бизда одат шунаقا», деганча можарога қўшилиб кетди. Келин-куёвни амаллаб уйга кузатиб юбордик. Ҳозиргина уришган одамлар бир пасда ош-қатиқ бўлиб, мени ҳайрон қолдиришди. Бундай анъаналар фақатгина қозоқларда бор, деб ўйлар эканман. Очифи, кап-катта йигитларнинг уришиши менга эриш туюлди. Лекин қорақалпоқ тўйи менга жуда ёқди. Билиб-бilmай уларнинг анъаналарини бузганим учун улардан узр сўраб, хайр-хўшлашдим-да, оилам билан яна пойтахт сари равона бўлдим.

## **УСТОЗЛАР ЎТИТИ**

Одамнинг ёмони бўлмайди, уни тарбиялаш керак, дейишади. Шундай экан, биз қайси соҳада фаолият юритмайлик, инсонлардан эзгулик истаб яшаймиз. Айрим кишилар табиатида бирорга ўхшагим келмайди, деган манманлик ҳам бор. Бу ибора нисбийлик касб этади. Чунки ўрмондаги ҳайвонлар орасида катта бўлган одамда ҳайвон табиати сезилиши табиий. Шунинг учун жамиятдаги инсонлар ҳам атрофидаги инсонлар ва устозларининг ибратли ҳаракатига қараб ўзини шаклантиради. Ва шу тариқа ютуқларга эришади.

Шу боис ҳаётнинг пасту баландини кўрган, Ватан равнақига нафи теккан устозларнинг йўли бизга ибрат бўлади. Бизнинг устозлардек бўлмасликка, уларнинг нурли йўлларини давом эттирмасликка асло ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, Биринчи Президентимизнинг ушбу сўзлари биз ёшларнинг йўлини чароғон этади: «Ҳеч бир ишда шошилмасдан, айни пайтда сусткашликка йўл қўймасдан, фақат ва фақат ўзимизнинг кучимизга ишониб, таяниб яашшимиз керак. Ана шунда биз, албатта, ўз мурод-мақсадимизга етамиз».

## **ҚАТРАЛАР**

---



### **ИНТИЗОМ – БОШ МЕЗОН**

Интизом, тартиб бор жойда ўсиш, юкса-лиш бўлади. Улар йўқ жойда тартибсизлик, тарафкашлик, турли можаролар авж олади. Айрим Араб давлатларидағи тартибсизликлар сўзимиз исботидир.



### **АДОЛАТ ТАРОЗИСИ**

Ёмон одам ёмонлигича, яхши инсон ҳам умрбод яхшилигича қолмаслиги мумкин. Шу боис инсониятга мувозанат ато этилган. Бар-

часи ўзимизга борлиқ. Мувозанат биз учун адолат тарозисидир.

## **БОБОМЕРОС**

Халқимизда этагимни ушла, ўргатганларимни уқиб ол, дегувчи асл полвонлар талайгина. Аслида, этак тутиш биз ўзбекларга бобомерос бўлиб келаётган қадимий удумлардан биридир. Бу мерос мўртликнинг олдини олиб, ўғлонни пишитиб, камолга етказади. Буюк меросни асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

## **СОЯ**

Ҳадеб отангнинг соясида тураверма. Сен ҳам отангга соя бўл. Чунки у сенга бир умр паноҳ бўлиб келди. Жавоб қайтариш пайти келди, эй ўғлон!

## **ҲАСАДГҮЙ**

Эндиғина етдим деганингда, йўлингни тўсадиганлар бор. Оқиб келаётган ирмоқнинг йўлини тўсиш эмас, балки уни тўғри йўлга солиб юбориш керак. Шарқироқ ирмоқнинг йўлини тўсдингми, демак, сен ҳасадгўйсан.

## **НОШУКР БЎЛМАНГ**

Ҳадеб нолийдиган инсонлар ҳаётдан нолиб ўтиб кетишади. Шукр қилиб яшаганлар бара-ка топади. Сиз шукр қилиб яшанг, шукр қил-

ган бандасига Аллоҳ албатта барака беради. Ношукрга эса...

## **АНГЛАШ...**

Дунёни кезиб, Она Ватанимдек юрт кўрмадим. То тирик эканман, юртимнинг ҳар бир қарич тупроғини кўзимга тўтиё қиласман.

## **КИБРНИНГ ОҚИБАТИ**

Ўзига ҳаддан ортиқ ишонадиган инсонлар кўп хато қилишар экан. Самонинг чек-чегараси йўқ. Ҳаволаниб кетиб, беихтиёр ерга чилпарчин бўлиб тушиш мумкин. Уммондаги «Титаник», самога отланган «Челленжер» бунга мисолдир.

## **ДЎСТЛИК**

Бир инсон бошқа бир инсонга кел, дўст бўламиз деди. Дўстлашишди. Уларнинг дўстлиги абадий бўлди. Дўстликни таклиф қилган инсон бўлажак дўстини обдан ўрганиб чиқиб, қарор қабул қилишда адашмаган эди. Ҳаётида етти ўлчаб, бир кесадиган, сермулоҳаза инсонларнинг дўстлиги шу боис умрбоқий бўлади.

## **ЖАСОРАТЛИ ЙЎЛ**

Ҳаётдаги асл жасоратли йўл – номардлар қаршисида тиз чўкмай, мардлар олдида таъзим қилишдир. Марднинг мардга тан бериши ҳам асли бир жасоратдир.



## **ДҮСТЛАРИНГДАН НОЛИМА**

Дүстларингдан ҳадеб нолийверма. Яхши дүст топаман деб ёмонига учраб, ўша яхши «ёмон» дүстингдан ҳам ажралиб қолишинг мумкин.

## **ТИЛДА ЭМАС, ДИЛДА**

Ватанпарвар бўлиш учун, Ватан дея кўк-ракка муштлаш шарт эмас. Ватан тушунчasi дилимизга муқаддас Она сути билан сингган бўлади.

## **УЛАР БИЗЛАРДАН ЭМАС...**

Бугунги замонимизда кўплаб юртдошлари-миз хорижда оила тебратиш учун ишлашяпти. Уларнинг ҳалол пул топаётганларидан хурсанд-

миз. Минг афсуски, баъзан уларнинг ичидаги Ватанини сотаётган **ХОИНЛАР** ҳам учрамоқда. Иймонини сотган хоинлар бизлардан эмас, дегим келади.

## ТҮРТ ДЕВОР ОРАСИ

Бир куни изтиробга тушганимда түрт девор мени гўё ютиб юбораётганга ўхшади. Нажот истаб девор бурчакларига қалбимда қолган сўнгги умид учқунларини қоқиб қўйдим. Натижасини кутиб, сабр қилиб ўтирдим. Балки ишонмассиз, девор менга сўнгги умидинг қолгунича ноумид бўлма, мен кўрган азоблар олдида сеники қум зарраси-ку, дегандек бўлди. Тўрт девор ораси менга кўп, жуда кўп нарсаларни ўргатди...

## МАЬНАВИЙ ДУР

Агар қўлимдан келганда эди, киндик қоним тўкилган юртнинг барча кўчаларига дуру жавоҳир сочиб чиққан бўлардим. Лекин Ватаним талон-торож бўлмаслиги учун орзуйимдан воз кечаман-да, аввало, маънавий оламимни бойитаман. Бошқаларга ҳам маънавий дур улашаман. Уларнинг маънавиятидан тўкилган дурлар юртимизнинг барча кўчаларини безашибига ишонаман.



## **ҲАРАКАТДАН ТҮХТАМАНГ!**

Бир ишни бошлаб, охирига етказа олмадим, дея ўкинманг. Бошқа бир эзгу ишга бел боғланг. Ўзингиз билмаган ҳолда, дастлабки бошлаган ишингиз рўёбга чиқади. Асосийси, ҳаракатдан тўхтаб қолмаслик керак.

## **ОСМОННИНГ ОХИРИНИ ТОПДИМ**

Осмоннинг охирини топдим, лекин гапимга ҳеч ким ишонмади. Натижада ўзимга бўлган ишончим йўқолди. Шундан сўнг барча ҳаракат ва амаллар учун асос талаб этилишини англаб етдим. Дунёнинг барча сиру синоатлари асос устига қурилган экан.

## **ШОШИЛМА**

Сендан ўзишга ҳаракат қилган одамларни ўз ҳолига қўй-да, ўз йўлингдан қолма. Бир куни албатта уларнинг ёнидан ўтасан. Шунда ким кимдан ўзгану, ким кимдан ортда қолганига гувоҳ бўласан.

## **ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ**

Баъзи бир хориж журналистларининг гапсўзларини тинглаб, хатти-ҳаракатларини кузатиб, очиғи ҳайрон бўламан. Очикдан-очик ўз мамлакатига тош отади, ўз миллатидан иллат излайди. Уларнинг мақсади ўзи нима экан? Юртининг салбий томонларини кўрсатиб мағрурланса, жаҳон афкор оммасига кўзкўз қилса, у қандай ватанпарвар бўлади?

Мен уларга асл ватанпарварликни ўзбек журналистларидан ўрганинг деган бўлардим. Келажакда бизнинг журналистлар “Намуна мактаби” очишса ажаб эмас. Мустақил мамлакатимизда олиб борилаётган асрга татигулик туб ислоҳотлар, барчанинг ҳавасини келтираётган бунёдкорлик ишларини рўй-рост, самимий тарзда ҳалқقا етказиб беришаётгани учун улар олдида таъзим қилса арзийди. Дунёning манаман деган журналистлари ўзбек журналистларидан ўрганиши лозим бўлган жиҳатлар жуда кўп.

## **ҚОНУНИЯТ**

Аёлларни асранг! Зеро, аёл киши эъзоз топиш учун яратилган.

Аёллардан қўрқаман, дейдиган эркаклар, энг аввало, ўзларидан қўрқадилар. Бўлмаса бу сўзларни гапирмаган бўларди. Ваҳоланки, аёллар эркакларни ўзларининг орзусидаги идеал ва қаттиққўл эр бўлишини жуда-жуда хоҳлайди.

## **МЕХР**

Фарзандларингизга меҳр кўрсатинг. Бир кун келиб меҳрга зор бўлмайсиз.

## **БЕЛБОҒ**

Йигитмисан? Белингда белбоғинг борми? Унда оиласнни албатта баҳтли қил. Белбоғ – йигитнинг ор-номуси. Номус эса оиласдан бошланади.

## **ЖОҲИЛ ОДАМ**

Ўз фарзандларига бемеҳр одам жоҳил одамдир. Ундан ҳар қандай ёмонликни кутса бўлади.

## **ЭРКАКНИНГ БАҲОСИ**

Мард инсон ўзини жамиятда, оиласда кўрсатади. Шу орқали одамлар унга баҳо беришади.

## **РҮЗФОР**

Рўзфор ўз номи билан рўзфор. Уни буткул тўлдираман деб форга кириб кетасан. Кейин қайтиб чиқишинг даргумон бўлади.

### **«ШУНҚОРЛАР»ГА ТАЪРИФ**

«Шунқорлар» – Ватан таянчи.

Бугунги барча фидойи инсонлар асли шунқорлардир.

Ёшларнинг эзгу ниятлари «Шунқорлар»да мужассам.



Мард бўлсанг, «Шунқорлар» сафида бўл.

«Шунқорлар»нинг асосий мақсади Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшишdir.

Йигитларнинг сараси – шунқор!

Шунқор қизларимиз Тўмарис шижоатини ҳис қилади.



Тошкент банк ҳисоб-кредит  
коллеки жамоаси



Чилонзор педагогика коллеки  
жамоаси



Юнус Ражабий номидаги Тошкент  
педагогика коллежи жамоаси



Тошкент транспорт касб-хунар  
коллежи жамоаси



Республика Олимпия захиралари  
коллеки жамоаси



Чилонзор матбаа касб-хунар  
коллеки жамоаси



Чилонзор тиббиёт колледжи жамоаси



Тошкент давлат Иқтисодиёт университети  
қошидаги Чилонзор академик лицей жамоаси



Тошкент Давлат Техника университети қошидаги  
академик лицей жамоаси



Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва  
санъат академик лицейи жамоаси



Томошабинлар мусобақа иштирокчиларини  
олқишилаб турибдилар



«Ватанимга хизмат қиласман»



Санъят ва спортни бир-биридан  
ажратиб бўлмайди



Турникка тортиниш



Граната улоқтириш

## **СПОРТ ХУМОРИ**

Спорт шундай санъатки, у билан бир кун шуғулланмай қўйсанг, ўзингни нотавон сезасан. Спорт хумори тутаверади.

## **СПОРТ ЖОЗИБАСИ**

Спортнинг тури кўп. У мисоли сеҳрли қулф осилган хона. Унга мос калит ясанг ва унинг жозибасидан баҳра олинг.

## **СПОРТ – БУ СЕВГИ**

Менимча, дунёдаги энг чиройли сўз бу спорт, йўқ, адашдим шекилли, балки севгидир. Йўқ, тўхтанг, спорт ва севги сўzlари маъно жиҳатдан эгизак бўлишса керак.

## **ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР**

Дунёда шундай инсонлар борки, улар ер юзидағи деярли барча иллатларни ўзида мұжассамлаштирган. Бу ёруғ оламда шундай инсонлар ҳам борки, уларнинг эзгу фазилатларини санаб, саноfigа етолмайсан.

## **УЙГУНЛИК**

Ўзбек йигити ҳарбий тайёргарлик билан таълим-тарбияни уйғунаштира олса, оммавий маданиятга қарши дадил тура олади. Бу икки жиҳатга алоҳида аҳамият бериш лозим.

## **ШАРАФЛИ КАСБ**

Дунёдаги энг шарафли касб ёшлар онгиға Ватан түйфусини сингдириш, уни комил инсон қилиб тарбиялашдир. Ёшларга шахсий ибрат намуна қилиб кўрсатилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

## **НОМУТАНОСИБЛИК**

Ҳарбий қисмдаги таълим-тарбия адолатли бўлса-ю, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ра-вон бўлмаса, мақсадга мувофиқ иш бўлмайди.

## **ОММАВИЙ МАДАНИЯТ**

Оммавий маданият, сиртдан қараганда ниҳоятда чиройли кўринадиган, аслида эса минг йиллик қадриятларимизга ражна сола-диган, уни таг-томири билан юлиб ташлашга ҳаракат қиласидиган чиркин иллатдир.

## **ЁШЛАР ТАРБИЯСИ**

Айрим ўқитувчилар ёшлар тарбиясидаги салбий жиҳатлар учун ота-оналарни айблашса, ва аксинча, нуқсонлар учун ота-оналар устоз-ларини айблашади. Азизлар, ёшлар тарбиясини биргаликда олиб бормас эканмиз, оммавий ма-даният деб аталмиш бало уларнинг бўшлиқла-рини ўзи истаганча тўлдириб юборади.

## **ИЛЛАТ ИЗЛАГАНГА...**

Бошқаларни ёмонлайдиган одамларнинг аслида ўзлари ёмон бўлади. Ёмон бўлгани учун ҳам бошқалардан ёмонлик излайди.

## **КЕЛАЖАКНИ КЎРА ОЛМАСЛИК**

Бугунги ҳур кунларда Президентимиз, давлатимиз томонидан яратиб бериладиган имкониятлардан унумли фойдаланмаслик, уларни суистеъмол қилишни келажакни кўра олмаслик, нонкўрлик деган бўлардим.

## **ОНА ВА АЛЛА СЕҲРИ**

Она бешикдаги чақалоқقا алла айтади. Алла мурғак қалбга сингиб, унинг келажакда буюк инсон бўлиб етишишига сабаб бўлади. Она ва алла сеҳри нақадар буюк, уларнинг тафти қуёш тафтига teng.

## **АСЛ БУЮКЛИК**

Асл давлат – фуқароларининг ғамини ейди, уларга барча имкониятларни яратиб беради. Шуларга мос асл миллат ҳам ўз юрти учун қўлидан келганча унинг ривожига ҳисса қўшади. Она юртимизнинг буюклиги ҳам шу икки ирмоқдан қониб сув ичса керак.

## **ТАЪСИР КУЧИ**

Устозларимизнинг ибратли йўли ва сўзларидан таъсиrlаниб ҳаётта янги кўз билан қарай бошлаймиз. Бу таъсиr кучи йиллар давомида онгимиз, шууримизни чархлаб, йўлимизни машъал мисол ёритиб туради. Айрим одамларнинг айтагётган сўзларига ва қилаётган ишларига боқиб, номутаносибликдан ҳайрон қоламиз. Нима бўлганда ҳам келажакни кўра олиб, ёш авлодга шахсий намуна бўлишимиз керак. Дунёдаги маънавияти, маърифати ва маданияти жиҳатдан ўта кучли, ривожланган давлатлар тараққиётининг сири ҳам мана шунда, деб биламан.

## **ЮТУҚ**

Ҳаётда туртилдим, қоқилдим деб нолимайлик. Шуларсиз ютуққа эришиб бўлмайди.

## **МЕНИМЧА**

Дунё тор бўлиб кетса, руҳиятинг коинот билан олишаётган бўлади. Шунинг учун коинот ҳодисаларини сабр билан қабул қилиб, сабр билан ўtkазиб юбориш керак. Сабрсизлик асорат қолдиради.

## **АЖДОДЛАР ДАВОМЧИСИ**

Бошланғич ҳарбий тайёргарлик колледж ва академик лицейлардан мактабларга, мактаблардан бошланғич тарбия масканларига етиб борса, буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўламиз.

## **АСЛ ЙИГИТ**

Асл йигит хотин молига кўз олайтирмайди. Бир танишим тўйи куни хотини олиб келган чет эл мебелларини ҳазм қила олмади. Қайтариб юборди. Пешонасидан ўпиб қўйдим. Бундай йигитлар юртимиизда жуда кўп.

## **ИНСОН БЎЛИШ КЕРАК**

Оилам деб елиб-югуриб юрган турмуш ўртоғига инжиқлик қиласидиган аёллар инсон эмас, шунчаки одамсимонлар тоифасидан бўлса керак. Қачонки, айбларини билиб, гапирган гапларидан уялсагина, улар инсон тоифасига киришади.

## **ТАЪЗИМ**

Отасиз қолган фарзандларини ўкситмай тарбия қиласидиган аёлларга таъзим қиласиди.

## **БУРЧ**

Ватанини севиш бурчимиздир. Шунингдек, оилани асраб-авайлаш ҳам.

## **КАТТА ЖИНОЯТ**

Мени кечиришсину, арзимаган сабаб билан оиласини барбод қиласидиган ота-оналар катта жиноятчилардир. Уларни бошқа ном билан атаб бўлмайди.

# **ЮРАК СҮЗЛАГАНДА СОЗЛАР ЖИМ ТУРАР...**

---

## **«ШУНҚОРЛАР» БЕЛЛАШУВИ**

Биз бунёдкор шунқорлар,  
юрт тинчлигин күзлаймиз,  
Аждодларни ёд айлаб,  
дилдан ёниб сүзлаймиз,  
Келажакка одимлаб,  
дадил қадам ташлаймиз,  
Тузажак ҳар режани  
интизомдан бошлаймиз.

Бургут каби заминдан  
күкка қараб учамиз,  
Булутларни оралаб,  
юлдузларни қучамиз.  
Самоларда биз сергак,  
сарҳадни ёв бузолмас,  
Биз шунқорлар йўлини  
ёвуз кучлар тўсолмас.

Юргбошимиз раҳнамо,  
бизга доим мададкор,  
Йўлимизни ёритар,  
беш тамойил – беш шиор.  
Китобида намоён  
айтган буюк сўzlари:

Биз ҳеч кимдан кам эмас,  
билинг, ўғил-қизларим.

Сиз – юртимиз эртаси,  
деган сўзин оқлаймиз,  
Бу ишончни доимо  
қалбимизда сақлаймиз.  
Биз бунёдкор ёшларга  
эл-юртимиз ҳавасда,  
Миллий фурур, ор учун  
жон-дилимиз пайваста!

## **ОТАМНИНГ ЎГИТЛАРИ**

Отам менга тутқаздилар қороз, қалам:  
Сўзларимни уқиб олгин, жоним болам.  
Агар кимни дўст деб билсанг, синаб кўргин,  
Ўтган кунлар тарихини ёзиб юргин.

Энг аввало, муҳаббатинг Аллоҳга бер,  
Сени қўллар ҳамма жойда, шуни бил, дер.  
Ундан кейин Ватан учун ёниб яша,  
Бор кучингни меҳнатингни шунга ташла.

Курашларда енгилмагин, бўлгин, бардам  
Оилангни муқаддас бил, асра ҳар дам.  
Фарзандингни Она юртга меҳрли қил,  
Туйсин Ватан туйғусини гўдак кўнгил.

Отажоним ўгитидан олдим ибрат,  
Эл-юртимга хизмат қилиб топдим ҳикмат.  
Томиримда оқар экан токи қоним,  
Ўзбекистон учун фидо бўлсин жоним!

## **МЕХР БЕРИНГ**

Турфа олам ичра минг-минг одамлар кўп,  
Бири тулки, бири бўри, олишар хўб.  
Қабиҳ кўнгил ёндошига қазийди чоҳ,  
Гар қуласа, ёлғон йиглаб чекар оҳ-воҳ.

Аслида-ку бу ўткинчи ёлғон дунё,  
Рўёлардан узоқ юринг, қилманг риё.  
Гар бошингиз ғамга ботса, сабр қилинг,  
Бу Аллоҳнинг синовидир дўстим, билинг.

Ҳаволанманг, самолардан пастга тушинг,  
Йиқилсангиз бурун қонар, пастроқ учинг.  
Бугун зўрсиз, эртангизни ўйлаб кўринг,  
Шунқор бўлиб ёш авлодга меҳр беринг.

## **ҲИКМАТ**

Карвон ўтар қатор-қатор,  
Насибасин олиб кетар.  
Ҳар банданинг ризқи ерда,  
Токи терар турфа элда.

Яратганинг карами бу,  
Ҳеч ўзгармас каломи бу.  
Кимга эрта, кимга кечдир.  
Кимлар шуҳрат учун ўчдир.

Йигит киши сўздан тонмас,  
Ўтга тушса олтин ёнмас.  
Қанча сувлар оқиб ўтар.  
Мақсадига бир кун етар.

Интилганга толе ёрдир,  
Ҳалолликда ҳикмат бордир.  
Мехнат қилган кўрмас завол,  
Софдил инсон топар камол.

## **ЭЙ, ЎГЛОН!**

Юртимиз тинч, обод ҳар уй, ҳар макон,  
Ўз эркига ўзи бекдир ҳар инсон,  
Токи қалбда яшар экан соф виждон,  
Кел, Ватанини яшнаталийк эй, ўглон!

Бир ёқадан бош чиқарган қоқилмас,  
Душманларнинг отган тоши кор қилмас,  
Жасур йигит қўрқув нелигин билмас,  
Кел, Ватанини яшнаталийк эй, ўглон!

Эзгуликка хизмат қилган кам бўлмас,  
Юрагида асло қайғу, ғам бўлмас,  
Ўзга юртнинг нон-сувида таъм бўлмас,  
Кел, Ватанини яшнаталийк эй, ўглон!

Мард йигитнинг кўкси тўла ор бўлар,  
Лафзи ҳалол, юзи қуёшдай кулар,  
Шундан қалби шижоат, завқча тўлар,  
Кел, Ватанини яшнаталийк эй, ўглон!

## **ПОСБОНЛАР**

Сиз «Бунёдкор», «Шунқор», «Бургут»,  
«Жасур», «Лочин»,

Довруғингиз кезар бугун Чину Мочин.  
Ўзбекнинг эр йигитлари асло толмас,  
Темурийлар насли сира мағлуб бўлмас.

Қадамингиз залворидан чақнар ўтлар,  
Лой чаплолмас юзимизга фаним, ётлар.  
Сарҳадларни асрар доим аскар ўғлон,  
Хушёрикни қўлдан бермас, чин қаҳрамон.

Шунқор йигит, жамоани олға бошланг,  
Келажакка умид билан қадам ташланг.  
Кўнгли қора ёмонларга қарши юринг,  
Саховатли, меҳри дарё инсон бўлинг.

Сиз «Йўлбарс», «Шунқор», «Бургут» ҳам  
«Бунёдкор»,  
Юртбошимга қанот бўлган чин мададкор.  
Ўткир бўлсин бургут каби кўзларингиз,  
Юрт олдида ёруғ бўлсин юзларингиз.

## **ҲАРБИЙЛАР**

Бунёдкорсиз, лочин, ўткир кўзларим,  
Ҳам воҳаю водийдаги дўстларим,  
Чин юракдан чиқар ушбу сўзларим,  
Ўз юртига кўкси қалқон ҳарбийлар!

Бир қаноти – баҳтли бўлсин ёрим дер,  
Бир қаноти – қасамёдим-орим дер,  
Ватан – шаъним, номус, йўғу борим дер,  
Имони пок, тоза виждон ҳарбийлар!

Йигитман, деб эл дардини ўйлайди,  
Юрт обрўси – фурурим, деб сўйлайди,  
Эр белбоғин белга маҳкам бойлайди,  
Эл-юрт учун темир қўргон ҳарбийлар!

Баҳодирсиз, дилда йўқдир зарра ғам,  
Сўзда собит, ишда метин-мустаҳкам,  
Ўғлонларга тилакларим шеърда жам,  
Чин фидойи, одил инсон ҳарбийлар!

## **ПОЕЗД КЕЛМОҚДАДИР**

Поезд келмоқдадир довонлар ошиб,  
Бекатда йўловчи кутмоқда шошиб.  
Бахтли инсон кулар шодликдан жўшиб,  
Сен ҳам қувон дўстим, меҳрингни қўшиб.

Тирнама кўнглингни бир кам дунё деб,  
Интилсанг, етарсан нуру зиё, деб.  
Фарзандим, дилбандим, дея яшагин,  
Ватанда завқланиб гуллаб-яшнагин.

Шошилиб хатога йўл қўйма асло,  
Сўнг бўлиб қолмагин шайтонга ошно.  
Сабрнинг тагида олтин бор, олгин,  
Сийлайди сени у, қалбингга солгин.

Поезд келмоқдадир довонлар ошиб.  
Бекатда йўловчи кутмоқда шошиб.  
Бахтли инсон кулар, шодликдан жўшиб,  
Сен ҳам қувон дўстим, меҳрингни қўшиб.

## **ЖОН ТУЛПОРИМ**

Уйқу келмас күзларимга  
тунлар бедор бўзлайман,  
Самоларга боқиб ёрим  
кўзларингни излайман,  
Эй, тулпорим кел ёнимга,  
номамни элт ёримга,  
Софинчларим бисёр эрур,  
етказгин дилдоримга.

Чақмоқдайин чараклаган  
ой юзлардан сўрайман,  
Қалбимдаги ишқ ўтини  
атиргулга ўрайман,  
Дилгинамни ташна қилган  
ул ёримни кўрай ман,  
Бағрим тўлиб фарзандимни  
кучогимга олай ман.

У ҳам йифлаб зорланади,  
фарёд чекиб йироқда,  
Интизорман дея менга,  
олиб кет дер фироқдан.  
Ўтмоқдадир кунларимиз  
соғинч, алам, аразда,  
Иккимизнинг ўртамиизда  
ҳижрон ҳоким шу тарзда.

Такдир азал чин бўлса гар,  
бузилмайди уйимиз,  
Минг кўйларга солсин майли,  
синов деймиз буни биз.  
Муҳаббатнинг қурдатига  
бош эгади тоғлар ҳам,  
Фарҳод Ширин бўлиб наҳот  
куйганимиз шунча кам?!

Мактубимни олиб ёrim  
етиб келди ёнимга,  
Фарзандларим ором берди  
соғинч эзган жонимга.  
Қалбимизда яшар экан  
чин инсоний муҳаббат,  
Умримизни ёритади  
машъал каби то агад.



1000 метр масофага югуриш



Түсиқлар йұлагидан үтиш



Тиббий йўриқнома



«Ватанимга хизмат қиласан»



Мардлар майдонда синалади



«Ким мерган эканлигини аниқлаймиз»



АК-74 қуролини түлиқ ва нотүлиқ  
қисмларга ажратиш



Үқ нишонга тегди



Совринлар – меҳнатнинг самараси



«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларидан  
видеолавҳалар туширилган дисклар



Фидойи устозлар



«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»  
китоби юзасидан тайёрланган тест саволларини  
ечиш жараёни

## **ВАТАН ЎЗИ НИМА?**

Ватан ўзи нима? Бир кафт тупроқми?  
Үша тупроқ иси сенга ҳамроҳми?  
Ватан – уйинг, жойинг, болалик чоғинг,  
Ризқ-насиба берган даланг, боғ-роғинг.

Йўлингга нур сочган содик йўлдошинг,  
Яшашга завқ бериб, силаган бошинг,  
Ундан кетар бўлсанг, дўстим, гар йироқ,  
Ўртайди қалбингни соғинч ва қийноқ.

Ҳеч бир юрт унинг ўрнин босолмас,  
Фақат ватанфурӯш буни сезолмас,  
Йўқотгач, дардига топмайди чора,  
Фойда бермас унга афсус, оҳ-зори.

Ватан, ота-макон – бу баҳт қуёшинг,  
Ундан куч олади ҳар ниҳол, тошинг,  
Қалбинг ўз юртингда топади ором,  
Миннатли ошга ҳеч бўлмагин қарам.

## СИЗГА АЙТАР СҮЗЛАРИМ

Болалигимдан эртак, ривоятлар, мақолу ма-салларни эшитиб улғайғанман. Бугун эса ана шу ўгитлар менинг ҳаётимга қанчалар ижобий таъсир кўрсатганини, мени ўз дунёқарашига эга, мустакил фикрлайдиган инсон қилиб тарбиялаганини англағандек бўляпман.

Бугун катта ҳаёт қуршовидаман. Ҳалқ хизматига камарбастаман. Юртнинг боласи қалбига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш, уларни Ватанга хизмат қилишдек шарафли бурчни адо этишга даъват этиш менинг касбим. Маҳалла, таълим муассасалари ва оиласаларда ёшлар билан бўладиган ҳар бир учрашувда бир вақтлар бобою бувиларимдан эшитганим ёки китобларда ўқиганим мардлик, жасорат, инсоний ғоялар сингдирилган ривоят, ҳаётий ҳикоялар айтишни канда қилмайман. Ҳар бир сўзим ёшларнинг қалбида муҳрланиши учун энг аввало, аждодларимизнинг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратларини фахр билан айтаман.

*«Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбат ҳавас айлама».*

Бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ёзиб қолдирган ушбу сатрлар қарангки, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мана шундай сатрларни ўқиганимда буюк аждодларимизга муносиб

авлод бўлишимиз кераклиги ҳақидаги ўй менга тинчлик бермайди.

Бугун дунё саҳнида рўй бераетган нотинчликлар, уларнинг асосий иштирокчиси эса ҳали оқуқорани танишга улгурмаган ёшлар эканлиги ҳаммамизни таажжубга солади. Улар орасида бизнинг ҳам фарзандларимиз борлиги қалбимизни оғритади. Аммо минг йиллар ўтса-да, аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, тобора сайқал топиб бораётган қадриятларимиз комил инсон тарбиясига алоҳида эътибор билан қарашга ундейди. Худди ана шу қадрият ҳамиша мени тўлқинлантиради, зиммамга шарафли масъулият олганлигимни эслатиб туради.

Сўзимни муҳтасар қиласар эканман, қуйида эътиборингизга ўзим доим фойдаланадиган, қалбимдан жой олган Ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги ҳикматли сўзларни ҳавола қиласман.

## **БҮЮКЛАР ВАТАН ҲАҚИДА**

Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига куярдим ва дилимга жойлардим.



Шиҷоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.



Кимнинг ақли ва шиҷоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини яна-да оширас эдим.



Куч – адолатдадир.



Бир куни падари бузрукворимиз – Амир Тарағай баҳодир кўп қўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Қўйлар-

нинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга борлаб сайр қилиб юур әдим. Бир ерда хушвоз қаландар одамларга сўзлаб турғон экан: қўлида қоғоз-шеър битилган, у дер эди:

– Шул ёзувнинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёning охирига етади...

Ҳимматим жўшиб, минг олтунни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

– Отанг олдига борғил, буни отанг олдида ўқи, борғунча очма...

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан – маъноси қўйидагича: зулм билан дунёда ном қолдирб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми яхшилик билан ном қолдир...

Рубойининг муаллифи – ўшал қаландар-аллома шоир Камол Ҳўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп ҳурмат қиласар эрканлар.

– Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтунларни сарф этибсан. Энди, минг олтунга олғон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим.

*Амир Темур*



Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ – фазилатли халқдир.

*Абу Наср Форобий*

Кимнинг халқقا фойдаси тегиб, шу фойдаси туфайли ҳаловат топса, ўша одам эзгудир.

*Юсуф Хос Ҳожиб*



Инсон тирик экан ўз Ватани учун курашмоғи лозим.



Одамий эрсанг, демагил одами  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.



Фурбатда ғарид шодмон ўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

*Алишер Навоий*



Ҳеч вақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,  
Қўлдан келса қилинг душманни вайрон,  
Халойик бир бўлиб яшанг меҳрибон,  
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

*Бердақ*

Хар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,  
Ўзингдан орттири-у ўзгага бермак учун.

*Ҳайдар Хоразмий*

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур сенга иккинчи она.

*Анбар Отин*

Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: бирингчиси – жони, кейингилари – дини, моли, оиласи, она Ватанидир.

*Алихонтўра Согуний*

Миллат ҳар бир вакилида шарафу эътибор бўлса, ўша миллат шарафу эътиборга лойик бўлади.

Ватан бизнинг валинеъматимиз ва мураббийимиздир, ҳар бир валинеъмат ва мураббийга хизмат қилиш лозим, бас, ватанга хизмат бурчдир.

*Фитрат*

Кул бўлиб номардга кун кўрган  
киши инсон эмас,  
Эрк учун, халқи учун қийналмаган  
жон-жон эмас.

---

Сақламоқ ёвдан Ватанини сенга қарз,  
Қарзни қилмоқ адо ҳар кимга фарз.

*Чустий*

Халқлар иродаси зўр куч.

*Faфур Fулом*

Жаҳон тарихида асло кўрилмаган мўъжизалар  
яратган улуғ халқ ҳар ишга қодир.

*Ойбек*

Юртни обод қиласман деган киши ўзи обод  
бўлади.

*Абдулла Қаҳҳор*

Менинг халқым ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради.

Ҳамид Олимжон

Ҳаёт бизни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтта ташлади. Жазирама саҳроларда сарсон-саргардон кездик. Ер ости конларида тирноқ билан маъдан кўчиришга мажбур қилишди. Туғилган осто-намиздан олисларга иргитиб ташлашди. Жондан севган қаламимизни қарсилатиб синдиришди. Лекин иродамизни синдиrolмадилар. Кўксимиздан имонимизни, қон-қонимизга сингиб кетган Ўзбекистон меҳрини юлиб ололмадилар.

Сайд Аҳмад

Фақат ақл кучи билан, фақат ирода кучи билангина одам ҳамиша янгиланиб, панжаралари мустаҳкамланиб турадиган ички тутқунлик асоратидан озми-кўпми қутилиб, ички эрксизликка барҳам бериб, ҳақиқий эркинлик салтанатига эришмоғи мумкин.

«Халқ» деган тушунча тез-тез тилга олиниб турса-да, ҳеч қачон ҳар жиҳатдан тенг, яхлит

бир кучни англатмайди. Ҳамиша халқ бор, олон мон бор, авом бор, орифлар бор.

*Озод Шарафиддинов*



Дунёда мантиқсиз ҳеч иш бўлмайди,  
Томчи йиғилмаса жом ҳам тўлмайди.  
Биз томчи эрурмиз, халқ эса уммон,  
Халқ ўлмас, томчи ҳам демак, ўлмайди!



Инсон боласи ҳамма нарсани вақтингча йўқотиши мумкин, лекин мустақиллигини йўқотса, дунёнинг барча қувонч ва ташвишлари бекордир.



Комил бўлишга интилган халқ, албатта ютади.  
Бундай халқнинг озодлиги, келажаги хавф-хатардан холи бўлади, аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай шароитда ўз ҳақ-хуқуқини, эркинлигини, номус ва шаънини ҳимоя қила олади.

*Абдулла Орипов*

*O'zbekiston Respublikasi  
Qurolli Kuchlari tashkil  
topganligining 25 yilligiga  
bag'ishlanadi*

SHERZOD  
HIKMATOV

---

**"SHUNQORLAR"-  
VATAN  
TAYANCHI**



*Biz shunga erishmog‘imiz kerakki, harbiy xizmat so‘zda emas, balki amalda farzandlarimizning, yoshlari-mizning nufuzli ishi, shon-sharafi bo‘lmog‘i lozim.*

***Islom KARIMOV***

## **PARVOZING YUKSAK BO‘LSIN!**

Parvozga shay turgan burgutning holati, ko‘z qarashlarini kuzatganmisiz? Uning ko‘zлari o‘tkir, olis-olislarga qadalgan, qanotlari uchishga shay turgan bo‘ladi. U osmonlarga parvoz etgisi, yuk-sak cho‘qqilarni egallagisi keladi. Marrani uzoq va bardavom olishga urinadi. Men mag‘rur bur-gutning bu holatini kattakon jamiyatga kirib ke-layotgan yoshlarga qiyoslagim keladi.

Harbiylar bizning ishongan qo‘rg‘onimiz, suyangan tog‘imizdir. Ular bor ekan, ko‘ngil-lar tinch, osmonimiz musaffo, qalblarda mehr barhayotdir. Muhtaram Yurtboshimiz, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni Islom Karimov ta’kidlaganidek, «Yuragidaotibor, oriyat-li bahodirlarimiz bugun ortimda Vatanim bor, el-yurtim, ota-onam, sevimli yorim bor, deb yovga mardona zarba berishga tayyor bo‘lib turgani barchamizga kuch-quvvat bag‘ishlab, ruhimizni ko‘tarmoqda».¹

Yoshlarimiz – ertangi kunimiz egalari, ke-lajagimizni yaratguvchi bunyodkorlardir. Shu

¹ I.Karimov. Terrorizm xavfi to‘g‘risida. – T.: «Sharq», 2002. – B. 103.

ma'noda shunqorlarni ham harbiy sohamizning egalari, nafaqat harbiy, balki barcha tarmoqlarning egalari deya ayta olishimiz mumkin. Ular tartib hamda intizom bilan, qat'iyat hamda ilmga chanqoqlik bilan o'qib izlanishmoqda, kelajak uchun dadil qadam tashlashmoqda.

*Quduqda suv aziz,  
Tandirda-chi non.  
Tog'larning bisoti,  
Necha-necha kon.  
Bel bog'lab maydonga  
Chiqdingmi endi  
Sen ham bir karomat  
Ko'rsat, ey o'g'lon!*

Men Sherzodning kechinmalari, qalbidan o'tayotgan hislarini qoralamalarida ifodalagani bilan tanishib chiqib, shunday xulosaga keldimki, u o'zi kabi serg'ayrat yoshlarni atrofida birlashtirmoqchi va u o'zi kamolga yetgan Vatanning taqdiriga befarq emas. Sherzodning kelgusidagi ishlariga omad tilayman.

***Abdulla ORIPOV,  
O'zbekiston Qahramoni,  
xalq shoiri***

*10-iyul, 2016-yil.  
Do'rmon*

## **INSON QALBI**

Qo'lingizdagi kitob muallifi Sherzod Hikmatov bejizga qo'liga qalam olmagan. Uning o'z dunyosi, o'zgacha bir dunyoqarashi, qalb iztiroblari, hayotda kechirgan voqeа-hodisalardan chiqargan xulosalari turli shakllarda bayon qilingan. Aslida, Sherzodning shoirlikka yoki yozuvchilikka da'vosi yo'q, u harbiy sohada xizmat qilayotgan fidoyi yigitlarimizdan. Ayni shu fidoyilik uning qo'liga qalam tutqazgan. Vatanga muhabbat, vatanparvarlik tuyg'usi, o'z yurtini mard va jasur o'g'lонlar himoyasida ko'rishi, shu ishga kamarbastaligi uni doimo harakatga chorlaydi. Natijada, qalb harorati aks ettirilgan, yurak nidosi shundoqqina ufurib turgan satrlar qog'ozga tushganki, undagi har bir so'z bizga-da tanish, har bir so'z bizning-da yuragimizga yaqin so'zlardir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek: «Barchamizga ma'lumki, inson o'zligini anglagani, nasl-nasabini chuqurroq bilgани sari yuragida Vatanga muhabbat tuyg'usi ildiz otib, ulg'aya boradi, bu ildiz qancha teran bo'lsa, tug'ilib o'sgan yurtga muhabbat ham shu qadar yuksak bo'ladi».<sup>2</sup>

Ochig'i, o'z qalb iztiroblarini ham nazmiy, ham nasriy tarzda ifodalash hamma ijodkorga ham nasib etavermaydi. Ajabki, Sherzodga shunday iqtidor nasib etibdi, binobarin, u o'zining bolalik

---

<sup>2</sup> I.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008. – B.90.

yillaridagi hayotini qisqa va lo'nda qilib, bitiklar tarzida bayon etsa, o'spirinlik va yoshlik yilla-rida qalbini to'lqinlantirgan tuyg'ularini she'rga soladi, ulg'ayib, hayotning pastu balandini, ach-chig'-u chuchugini totib ko'rganini esa qatra va bitiklar tarzida ifoda etadi.

Sherzod Hikmatov bitiklari juda sodda va ix-cham bo'lsa-da, ularda hayot haqiqati, falsafiy mushohadalar aks etgan. Masalan, «Osmonning oxirini topdim», «Belbog», «Asl yigit» kabi qatralarda aytilgan fikr, hayotiy xulosa har bir o'quvchini fikrlashga, mushohada yuritishga chorlaydi, misralarning ayrimlari kishini o'yga toldiradi. To'g'ri, muallif qoralagan satrlar badiylik mezonlariga to'laqonli javob bermasligi mumkin. Lekin muhimi bu emas. Muhimi unda fikrning borligi, hayotidagi baland-pastliklardan to'g'ri xulosa chiqarolganligi, qolaversa, qalbida-gi ma'naviy ehtiyoj o'rnini misralarda ifoda etishga intilishidir va men Sherzodning bu intilishini qo'llab-quvvatlayman.

Ma'lumki, mamlakatimizda ma'naviyat va ma'rifat masalalariga jiddiy e'tibor qaratilib, yoshlар ma'naviyatini o'stirib borishning xil-ma-xil usullari qo'llanilmoqda. Nazarimizda, Sherzod Hikmatovning mazkur kitobi ham yoshlар qalbiga yo'l topadigan, harbiy xizmatchilarga asqotadigan, ularning qalbida ham ertangi kun-ga umid va ishonch uyg'otadigan kichik bir das-turilamal bo'lib xizmat qiladi, deb umid qilaman.

**Ravshan JOMONOV,  
filologiya fanlari nomzodi, dotsent**

## **JASORATGA UNDOVCHI SATRLAR**

Ochig'ini aytganda, bugungi globallashuv jarayonlarida har bir yosh yigit yoki qizning qalbida Vatanga muhabbat tuyg'usini shakllantirish, ular ongida kindik qoni to'kilgan shu Ona yurtning qadriga yetish tushunchasini uyg'otish dolzarb vazifalarimizdan sanaladi.

Sherzod Hikmatovning oddiy va samimiy satrlarda bayon qilingan «Shunqorlar – Vatan tayanchi» nomli to'plami, ayniqsa, yoshlarimizni vatanparvarlikka undovchi misralari bilan e'tiborga molik. Qatralarida Vatan himoyasi uchun jonini ham ayamaydigan yigitning fidoyilikka, harbiylikka undovchi misralar talaygina.

Ehtiros va his-hayajonga to'la qalbning mahsuli bo'lgan bu asarning chop etilishi, mening nazarimda, tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Chunki unda insoniylik,adolat, mehr-muhabbat, jasorat, matonat tushunchalari hayotiy missollarda, ishonarli tarzda hikoya qilib berilgan. Shu bilan birqalikda, yovuzlik, johillik, loqaydlik kabi illatlar ham ko'rsatib berilgan.

Asar bir qarashda oddiydek tuyulsa-da, uning tag zamirida bugungi kunning dolzarb masalasi – jamiyat a'zolarining umumiy maqsadiga aylangan komil inson tarbiyasi o'rin olgan. Muallifning «Asl yigit xotin moliga ko'z olaytirmaydi», degan jumlasiga e'tibor qaratadigan bo'sak, bugungi kunda qizlarning mol-mulkiga uchib uylanayot-

gan yoki xotini bilan mulk talashib sudma-sud yurgan ayrim yigitlar ko‘z oldimizda gavdalanadi.

Sherzod Hikmatov bugun milliy urf-odat, qadriyat va madaniyatimizga raxna solayotgan «ommaviy madaniyat» haqida ham so‘z yuritarkan, «Ommaviy madaniyat – sirtdan qaraganda ni-hoyatda chiroyli ko‘rinadigan, aslida esa ming yillik qadriyatlarimizga raxna soladigan, uni tag-tomiri bilan yulib tashlashga harakat qiladigan chirkin illatdir», deya o‘z qarashlarini to‘laqonli, asosli bayon etgan.

Ushbu asar yosh avlodni buyuk ajdodlarimiz an’analariiga sadoqat ruhida tarbiya topishlari-da, vatanparvar insonlar bo‘lib ulg‘ayishlarida o‘z hissasini qo‘sjadi, deb umid qilaman.

*Mavluda ZIYAYEVA,  
1-Respublika tibbiyot  
kolleji direktori*

## **KELAJAKKA DADIL QADAM**

Mana, bir necha yildirki respublikamiz o'quv-chi-yoshlarini Qurolli Kuchlar safiga – harbiy xizmatga va oliv harbiy bilim yurtlariga kirishga tayyorlash, ularni harbiy-vatanparvarlik ruhi-da tarbiyalash, yoshlar o'rtasida sog'lom tur-mush tarzini keng targ'ib qilish, ularning o'zaro madaniy-sport aloqalarini yo'lga qo'yish maq-sadida «Shunqorlar» harbiy-sport musobaqalari o'tkazib kelinmoqda.

«Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik» fani O'zbekiston Respublikasi «Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to'g'risida»gi Qonuniga muvofiq tashkil etilgan bo'lib, respublikamizdagi barcha kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarda o'qitiladi. Toshkent shahrining Chilonzor tumanida joylashgan 13 ta kasb-hunar kolleji va 4 ta akademik litseylarda ham ushbu «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik» fani yuqori saviyada o'qitilmoqda, kelajagimiz egalari bo'lgan yoshlarimiz ongiga harbiy-vatan-parvarlik g'oyalarini singdirishda ko'plab ustozlar nazariy va amaliy ishlarni olib bormoqdalar.

Bu borada O'zbekiston Respublikasi Mudiofaa vazirligi Chilonzor tuman mudofaa ishlari bo'yicha bo'limi Chaqiriluvchilarni harbiy xizmatga tayyorlash bo'linmasi boshlig'i Sherzod Hikmatovning xizmatlarini alohida ta'kid-

lab o'tishimiz lozim. U boshchiligidagi harbiy rahbarlarimiz yoshlarimizning har tomonlama - jismoniy, ruhiy va ma'naviy jihatdan kamol topishlari uchun astoydil ish olib bormoqdalar. Boshlang'ich harbiy tayyorgarlik ishlarining samaradorligi bo'yicha bizning Chilonzor tumani bir necha yillardan beri Respublikada ilg'orlikni qo'ldan bermay kelmoqda.

Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasidagi natijalarimiz samaradorligi yildan-yilga oshib bormoqda. Buning yana bir sababi kollej va akademik litseylarda faoliyat olib borayotgan harbiy rahbarlarning o'z vazifalariga mas'uliyat bilan yondashayotganlarida deb bilmam.

Bir kunlik o'quv mashg'uloti har oyning birinchi chorshanbasida o'tkaziladi. Bu o'quv kunda «Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik» faniga oid yangiliklar bilan tanishib, fandagi boshqa mavzular haqida fikr almashinadi.

Uch kunlik o'quv mashg'uloti yanvar oyining birinchi o'n kunligida o'tkaziladi. 14-yanvar - O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil topgan kunni tantanali ravishda o'tkazish va uni ommaviy targ'ibot vositalari yordamida yoritish uchun Sherzod Hikmatov boshchiligidagi reja ishlab chiqiladi. Rejaga asosan Chilonzor tumanidagi barcha kasb-hunar kollejlarida va akademik litseylarda bu bayram juda ko'tarinki ruhda va a'llo darajada o'tkaziladi. Bu tadbirlarga ikkinchi jahon urushi qatnashchilari, front ortida xizmat qilgan faxriylar, baynalmilal jang-

chilar, harbiy qismlardan ofitserlar, serjantlar, askarlar, orkestr, ashula va raqs ansamblari taklif etiladi.

Avgust oyida bo'lib o'tadigan besh kunlik o'quv jarayonida ham bir yillik ish rejalari ko'rib chiqiladi, yangi o'quv yiliga puxta tayyorgarlik boshlanadi.

Vatanni sevish – bu o'z o'lkasi tarixi, madaniyati, qadriyatlarini bilish va uni ko'z qorachig'idek asrash demakdir. Vatanparvarlik – bu elim deb, yurtim deb yonib yashashdir. Chilonzor tuman mudofaa ishlari bo'yicha bo'limi Chaqiriluv-chilarni harbiy xizmatga tayyorlash bo'linmasi boshlig'i Sherzod Hikmatov yosh bo'lishiga qaramay intiluvchanligi, tirishqoqligi, harakatchanligi bilan atrofdagilardan ajralib turadi. So'nggi yetti yil davomida uning fidoyiligi bilan Chilonzor tumani yoshlari turli yo'nalishlardagi tanlovlarda, jumladan, «Shunqorlar» harbiy-sport musobaqalarida bir necha bor Respublika bosqichi g'olib bo'ldilar.

Bundan tashqari, uning jonkuyarligi, talabchanligi sabab tumandagi barcha kollej va akademik litseylarda Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik ta'limi dasturi asosida o'quv xonalari talab darajasida jihozlandi. Shu bilan birgalikda o'quvchi-yoshlar o'rtaida oliy harbiy ta'lim muassasalarida targ'ibot va tashviqot ishlari keng ko'lamda yo'nga qo'yildi. Har yili Chilonzor tumanidan oliy harbiy ta'lim muassasalariga kirib, o'qishlarini davom ettirayotgan yoshlari soni yildan-yilga ortib borayotgani fikrimizning dalilidir.

2008-yili Chilonzor tumanidagi atigi bitta kollejda «Shunqorlar» kiyimi mavjud edi. Sherzod Hikmatovning jonkuyarligi, shijoati bilan hozirgi kunga kelib barcha o'quv yurtlari «Shunqorlar» jamoasi yangi kiyimga, ya'ni formaga ega bo'dilar.

Bugungi kunda «Shunqorlar» harbiy-sport musobaqalari yuksak saviyada, ko'tarinki ruhda o'tkazib kelinmoqda. Puxta harbiy-taktik tayyorgarlikka ega bo'lib borayotgan guruhlarimiz saf tayyorgarligi va taqdimot jarayoni muhtasham «Bunyodkor» sport maydonida o'tkazilib, omma-viy axborot vositalari orqali namoyish etilmog'daki, bu butun O'zbekiston xalqiga boshlang'ich harbiy tayyorgarlik ishlaridagi yutuqlar haqida tasavvur qilish imkonini beradi.

Sherzod Hikmatovning tashabbuskorligi va jonkuyarligi natijasida yoshlarda mardlik, qat'iyatlilik fazilatlarini shakllantirish, intizom va jamoatchilikka tayanishga o'rgatish kabi ko'plab yaxshi tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda. Biz, Chilonzor tumani harbiy rahbarlari shunday yosh, shijoatli, fidoyi kadrlarga suyanamiz va ular bilan faxrlanamiz.

***Shuhrat POLVONOV,  
Baynalmilal jangchi***

## **YOSHLARNI HARBIY VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASH – ASOSIY VAZIFALARIMIZDAN BIRI**

Bugungi globallashuv davrida «ommaviy m-daniyat» deb atalgan oqimning yoshlar ongiga salbiy ta’siri, milliy-ma’naviy, ming asrlik qadri-yatlarimizga raxna solayotgani, ularni tobora o‘z domiga tortishga urinayotgani barchamizni, o‘zi-ni vatanparvar deb bilgan har bir yurtdoshimizni ogohlikka da’vat etib, ko‘zimizni kattaroq ochishga, atrofda sodir bo‘layotgan voqeа-hodisalarga e’tiborliroq bo‘lishga undamoqda.

Hozirda dunyo sahnida ro‘y berayotgan to‘s-to‘polonlar, ko‘plab begunoh insonlarning qoni to‘kilayotgani, manfur kuchlar tomonidan ilgari surilayotgan yot g‘oyalar jamiyatning nozik qatla-mi bo‘lgan yoshlarning qalbiga kirib qolayotgani, ular amalga oshirayotgan inson tasavvuriga sig‘maydigan qabihliklar yoshlar tarbiyasi eng ustuvor masalalardan biri ekanini hayotning o‘zi bizga qayta va qayta isbotlab bermoqda.

Intizom bor joyda albatta, yutuq, rivojlanish bo‘ladi. Tartib yo‘q joyda esa tabiiyki, urush-janjal, boshboshdoqlik, tarafkashlik avj oladi. Tarixdan yaxshi ma’lumki, qayerda tar-tibsizlik, fahsh, o‘zboshimchalik kabi salbiy il-

latlar avj olsa, o'sha yer barbod bo'lgan, tanaz-zulga yuz tutgan.

Ming shukrlar bo'lsinkim, bizning yurtimizda tartib-intizom hukmron, osmonimiz musaffo, jamiyatimizda sog'lom fikrli insonlar borligi uchun ham bugungi taraqqiyot, bugungi doril-amon kunlar bizga nasib etib turibdi. Yoshlarimiz zamonaviy talablar asosida ta'lim-tarbiya olayapti. To'g'ri, guruch kurmaksiz bo'lmagani-dek, ba'zi bir yoshlarimiz bilib-bilmay, ko'rko'rona «ommaviy madaniyat» tuzog'iga tushib qolmoqda. Virtual o'yinlar, pirsing, tatirovka, selfi kabi yot illatlar o'zbek yoshlari qalbini egal-lashga, ularni qabih to'rlari bilan o'rab olish-ga urinayapti. Ammo biz tarixi shonli, kelaja-gi buyuk xalq farzandlarimiz. Bobolarimiz o'z vaqtida dunyo taraqqiyoti uchun tamal toshini qo'yanini jahon afkor ommasi yaxshi biladi, e'tirof etadi.

Men shunqorlar siyemosida vatanimizga sado-qat bilan xizmat qiladigan, yurti uchun jonini berishga tayyor mard, jasur, qadamidan o't chaq-naydigan o'g'il-qizlarimizni tasavvur qilaman. Shunqorlar – Ona Vatanimiz tayanchi, suyanchi bo'lishiga ishonaman.

Mana shunday ishonch va umid meni qo'lin-gizdag'i kitobni yozishga undadi. Unda mehnat faoliyatim, shaxsiy hayotimdan chiqargan xulo-salarimni bayon etishga harakat qildim. Ertangi kundan nimalarni kutayapman, Vatanim oldi-dagi mas'uliyatim qanday, ota-onam uchun qan-day yaxshilik qila olaman degan savollar hech

tinchlik bermaydi. Istandimki, yurtimizning kamolga yetayotgan har bir o'g'loni, har bir qizi qalbini ham mana shunday istaklar egallasin.

Kitobni o'qib tugatganingizdan keyingi fikrlaringiz, xulosalaringiz men uchun qadrli, aziz yurtdoshim.

***Muallif***

## **HAYOT SABOQLARI**

---

### **TARBIYACHINING «TARBIYASI»**

Navoiy viloyatining Xatirchi tumani markazi-da Samarqand ko‘chasi bor. Bolaligim kechgan bu ko‘cha men uchun eng aziz go‘shalardan biri. Esimda, o‘sha paytlari «Majnuntol» nomli maktabgacha ta‘lim muassasasiga qatnardim. U yerdan olgan xotiralarim bir olam. Bir kuni deng, yerda yotgan toshning yapaloqligiga ishqim ketib, uni osmonda uchadigan jism deb o‘ylab, samo bag‘riga uloqtirdim. Otgan toshim ko‘kka parvoz qilish o‘rniga to‘ppa-to‘g‘ri oshxona derazasiga borib tegdi. Deraza chil-chil bo‘lib sindi. Buni kuzatib turgan tarbiyachim meni qattiq jazoladi. Ertasi kuni esa, bog‘chadoshim hamda yon qo‘schnim bo‘lgan o‘rtog‘im Kamol bilan tushlikdan so‘ng beriladigan tanaffusdan foydalanib, Oqdaryoga cho‘milgani borishga kelishib oldik.

Buni qarangki, ertasi kuni bog‘chani tark etib, bir yarim kilometrcha uzoqlikdagi daryo ko‘prigi tomon yugurdik. Daryoga yetib kelganimizda suv shiddat bilan oqardi. Oqib ketmaslik uchun daryoning sayozroq joyini qidira-qidira suvga tushdik. Endigina suzishni boshlagan edik hamki, biz tomonga vajohat bilan yugurib kelayotgan ayolga ko‘zimiz tushdi. Tarbiyachi opamiz bizni qanday topdi ekan? Bu safar ham

jazodan benasib qolmadim. O‘rtog‘im ham rosa ta’zirini yedi.

Bog‘cha opaning bergen jazosidan xomush bo‘lib, xayolan mazaykaning no‘xotdek keladigan donasini o‘ynab burnimga tiqib qo‘ydim. Shuncha harakat qilsam ham chiqara olmadim. Uydagilarning koyishidan qo‘rqib, bu voqeа haqida ota-onamga aytmadim.

Tong sahar uyg‘onganimda burnimning sholg‘omdek shishib ketganini bildim. Otam jonimni og‘ritib burnimdagi donani do‘xtirlarning qisqichi bilan olib tashladi. Tarbiyachining o‘ta darajada qattiqqo‘lligi sabab, murg‘ak qalbimda tan azobidan jarohatlar qoldi.

So‘zimning oxirida bog‘cha tarbiyachilariga ikki og‘iz so‘z aytmoqchiman: Qadrli opa-singillar! Qo‘l ostingizda tarbiyalanayotgan bo‘lg‘usi shunqorlarni qattiq koyimang, ular hali go‘dak. Ulardan katta insonlarga xos fazilatlarni talab qilmang. Bola cho‘milishni xohlabdimi yoki o‘yinni istabdimi, unga sharoit yarating. Uning dunyosida qo‘lingizdan kelsa kema yasab, ushbu kemada birga suzing. Bolakay kema kapitani bo‘lib o‘z kemasini boshqarsin, uni ummon, dovullaridan olib chiqsin. Siz unga eshkak bo‘ling, siz unga tirkak bo‘ling. Aslo uni kemadan itarib yuboradigan dovul bo‘lmang. Bolajonlar o‘zlariga tirkak bo‘lgan insonlarni hech qachon unutishmaydi.

## **MAKTAB VA LITSEY HAYOTI**

Maktab davrida o'qituvchilarim qil ustida turibsan, deb meni qo'rqiishardi. Sababi, juda sho'x edim. Maktabni tugatganidan so'ng, o'qishni litsey-internatda davom ettira boshladim. Bu yerda talab qattiq, nazorat kuchli edi. To'g'risi, ko'pchilik kursdoshlarim qatori mening ham internat hayotiga moslashishim qiyin kechgan. Maktab va litseyda men uchun tortilgan qildek hayot ko'prigi mustahkam oltin ko'prikka aylandi. Ustozlarimning tarbiyasini meni eng a'luchi o'quvchilar safiga qo'shdi. Har gal muvaffaqiyatga erishganimda qalbimda ustozlarimga nisbatan minnatdorlik hissini tuyaman.

## **HAYOT MAKTABI**

Litsey-internatni tamomlab, Samarqand Oliy Harbiy Avtomobil Qo'mondonlik Muhandisligi bilim yurtiga o'qishga qabul qilindim. Shu tariqa harbiy hayot boshlandi. Dala maydoniga 40 kg yuk bilan 15 chaqirim masofaga yugurib ketdik. Qirq kun mobaynida dala maydonida bo'ldik. Ba'zi bir kursdoshlar mashg'ulotlarga chiday olmay, uylariga qaytib ketishdi.

O'sha yerda suvning naqadar buyuk ne'mat ekaniga ishonch hosil qilgan edim. Suv kursantlarga me'yordan ortiq berilmas, biz suvsizlikka chidashga, sabr-toqatimizni toplashga majbur edik. Maktab va litseydagi fidoyi ustozlarimning bergen tarbiyasi meni to'rt yil ichida mashaqqat-

li mashg'ulotlarga chidashga o'rgatdi. Bilim yurtini imtiyozli diplom bilan tugatdim.

Bugungi kunda aksariyat yosh ukalarimizning oliy harbiy ta'lif muassasalariga bo'lgan qiziqishi ortib borayotir. Ular kelajakda Ona yurtimizning mustahkam qo'rg'oni posbonlari bo'lishiga ishonaman. Harbiy hayot maktabi yigit kishini asl o'g'lon qilib tarbiyalab, voyaga yetkazishiga ishonch hosil qildim.

## **POLKOVNIK BERGAN SABOQ**

2004-yilning yoz fasli edi. Toshkent shahrida umumarmiya o'yinlari bo'lib o'tdi. Bizning Samarqand Oliy Harbiy Avtomobil Qo'mondonlik Muhandislik bilim yurti jamoasi barcha sport turlari bo'yicha g'olib bo'lib, ko'chma kubokni qo'lga kiritdi. Quvonchimizning cheki yo'q. Mусобақанинг со'нгги куни биз г'олибларга Markaziy harbiy sport klubi (MHSK) maydonida hordiq chiqarish uchun imkoniyat yaratib berildi. Sport klubi o'sha yillari poytaxtimizning muhtasham «Bunyodkor» markaziy stadioni o'rnidagi joylashgan edi.

Yoshligimdan bilyardni yaxshi ko'rganim uchun xizmatdoshlarim bilan o'yinga sho'ng'ib ketdim. Bu orada harbiy bilim yurti «Jismoniy tarbiya» kafedrasi boshlig'i bizga tanish bo'lma-gan polkovnik bilan bilyard stoli yoniga kelishdi. Ular yozning jaziramasida havasimizni keltirib, muzdekkina mineral suvni ichib o'zaro suhbatlashishardi. Polkovnik qo'lidagi shishani bilyard

stoli ustiga qo'yib, suhbatni davom ettirardi. Men bu paytda uzoqda turgan toshni mo'ljal-layotgandim. Xayolim muzdekkina mineral suvga ketdimi yoki boshqa sababdanmi, toshni qat-tiqroq urib yubordim. Tosh havoga ko'tarilgan-icha to'ppa-to'g'ri shishadagi suvga borib tegsa bo'ladimi! Yana deng, shishaning o'rta qismi qolib, bosh qismi parchalanib ketdi. O'sha par-chalardan biri polkovnikning bo'yniga sanchildi. Qo'rqib ketdim, chunki bu ishim uchun harbiy bilim yurtidan haydalishim aniq edi-da!

Shisha qadalgan joydan tizillab qon oqdi. Polkovnik vazminlik bilan qon ketayotgan joyga ro'molchasini qo'yib, bizga qarab o'yinni davom ettiraveringlar, dedi. Ko'zлari katta-katta bo'lib ketgan kafedra boshlig'imiz:

- Nima qilib qo'yganiningni bilasanmi kursant?
- deya menga baqira ketdi. Men bilmasdan tan jarohati yetkazib qo'ygan inson Mudofaa vazirlig-ining katta lavozimdagi harbiy xizmatchisi ekan. Polkovnik men bu ishni qasddan qilmaganimni, bunday tasodiflar hayotda bo'lib turishini tush-untrib, menga dalda berdi. Bu insonning vazi-yatga haqqoniy baho bergani, meni noqulay vazi-yatdan olib chiqqani bir umrga saboq bo'ldi.

## **G'ALABA VA MUSTAQIL HAYOT**

Ko'chma kubokni qo'lga kiritib, ko'tarinki kay-fiyatda harbiy bilim yurtimizga qaytdik. 2005-yil 18-iyun kuni sevimli maskanimiz bilan xayrlash-ish fursati yetdi. Bitiruv kechasi kuni batalon

komandirining tarbiyaviy ishlar bo'yicha o'rinbosari, mayor Alisher Narzullayev meni yoniga chorlab, o'zing va xizmatdoshlaring nomidan so'zga chiq, dedi. Men minbarda turib qayerda va qaysi lavozimda bo'lmaylik, doimo ustoz va komandirlarimizning ishonchini oqlashga, yurtga sadoqat bilan xizmat qilishga va'da berdim.



O'sha vaqt bizga batalon komandirimiz mayor Muslim Gasanovning maktubini o'qib berishdi. Komandirimiz Germaniyada xasta rafiqasining dardiga shifo izlab yurganiga qaramay, biz kursantlarga mehr ko'rsatgani yuragimizni to'lqinlantirib yubordi.

Leytenant unvonini qo'lga kiritib, harbiy xizmatni davom ettirish uchun Toshkent shahriga yo'llanma berildi. Bu yerda ham vazifalarni sadoqat bilan bajarishga harakat qildim. Jigarim

xastalanganligi tufayli operatsiya stoliga yotishga majbur bo'ldim. Oyoqqa turgach, xizmatni davom ettirdim. Shu orada uylandim, ola xurjun bo'yinga ilindi. Xizmatchilik, ishim Farg'ona shahriga ko'chiriladigan bo'ldi.

## OILA

Taqdir ekan, Farg'onada turmush o'rtog'im bilan ajrashishga qaror qildim. Sud tomonidan belgilangan muddatda ajrashdik. Harbiyning ayoli og'ir-vazmin, sabr-bardoshli bo'lishi tabab etiladi. Ayolim bilan negadir murosamiz kelishmadi. Xatolarimni birma-bir qog'ozga yozib chiqqach, ayb o'zimdan o'tganiga amin bo'ldim. Ko'z oldimga shirin qizalog'imning otasiz, o'ksib voyaga yetishi kelganda, o'zimdan nafratlanib ketdim. Negaki, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov «Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch» asarida nihoyatda to'g'ri ta'kidlaganidek: «...bu yorug'dunyoda hayot bor ekan, oila bor, oila bor ekan, farzand deb atalmish bebahoh ne'mat bor, farzand bor ekan, odamzot hamisha ezgu orzu va intilishlar bilan yashaydi».

Oilasini asrab qololmagan yigit qanday qilib yurtini g'animlardan himoya qila oladi, deb o'yladim. Rahbariyatdan meni zaxiraga bo'shatishlarini so'radim.

Zaxiraga bo'shangach, oilamni qayta tikladim. Shunda onam ko'zlarida yosh bilan: «Bolam, maktab davridan to hozirgacha o'z bilganing-

cha yashading. Xotining bilan ham o'zboshim-chalik qilib ajrashding. Harbiy xizmatdan ham o'z xohishingga ko'ra bo'shab, hayotda yutqaz-gan eding. Oilangni tiklab, birinchi xatoying-ni to'g'rilading. Endi o'z oldingga aniq maqsad qo'yib olsang-chi, bolam!» dedilar.

Onajonimning ushbu so'zlari meni chuqur o'ya toldirdi... O'zimni mevasiz va yaproqlari to'kilgan yolg'iz daraxtdek his qildim. Men uchun bamisoli qishning qahraton ayozi boshlangan edi.

## **PREZIDENT NOMIGA MAK TUB**

Onam Yurtboshimiz nomiga: «O'g'lim harbiylikni jonidan ortiq yaxshi ko'radi. Hatto medal ham olgan. Tushunmovchilik sababli ishdan bo'shadi», degan mazmunda maktub yo'llabdi. Bir nusxasini menga ko'rsatish maqsadida Toshkentga olib keldi. Maktubni o'qib, bekor yozibsiz deya onam boyaqishni koyidim-da, o'sha zahoti Prezident Devoni sari oshiqdim. Mas'ul xodimlar bilan uchrashib, xatni bekor qildim. Rostdan ham, rahbarlarni mening muammolarimdan boshqa ishlari kammidi, axir. Sabot va matonat bilan ishlasang, amalda o'zingni ko'rsatsang, al-batta yutuqqa erishasan, deb o'zimga o'zim darda berdim.

## **BO‘SH ISH O‘RINLAR YARMARKASI**

2009-yilning iyul oyida Bobur nomidagi istirohat bog‘ida bo‘sh ish o‘rinlar uchun mehnat yarmarkasi o‘tkazildi. Tabiiyki, u yoqqa bormasligim mumkin emas edi. Ishonasizmi, har bir soha bo‘yicha ish bor. Uzoqdan harbiy kiyimdagi odamlarni ko‘rib qoldim. Ming bir o‘y-xayol ichida ularning yoniga bordim. Ish so‘radim.

– Ish bor, yigitcha. Oyligi 170 ming. Har kuni mahallama-mahalla chaqiruv qog‘ozlarini tarqatasan, – deyishdi. O‘sha payti bu pulga ro‘zg‘or tebratish qiyin edi. Ammo sevgan kasbimga bo‘lgan mehr meni o‘ziga ohanraboday tortdi, rozi bo‘ldim. Ular aytgandek, ko‘chama-ko‘cha yurdim, mahalla faollari bilan yelkama-yelka ishladim. Halol mehnat, peshona teriga kelgan oylikka ro‘zg‘or tebratdim.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta’kidlaganlaridek: «Men g‘urur haqida ko‘p gapiramani. Negaki, g‘urur va iftixor bilan yashash o‘zlikni asrash, bu dunyoda hech kimdan kam bo‘lmasdan barchaga teng munosabatda bo‘lish deganidir. Bunday hayot tarziga hamma ham erishavermaydi. O‘zbek xalqining bag‘rikenglik, mehr-oqibat, saxovatpeshalik kabi ko‘plab chin insoniy fazilatlari qatorida yana shunday ulug‘ xususiyati borki, u hech qachon, hech kimning oldida bosh egmagan. Buyuk ajdodlarimizni, Amir Temur bobomizni eslang, ularning o‘gitlariga qulqoq tuting. Har qaysi odam – u qanday yoshda bo‘lmasin, qayerda va qaysi lavozimda

ishlamarasin – boshiga qandaydir og‘ir ish yoki tashvish tushganida, men kimman, qanday buyuk zotlarning avlodiman, degan savolni o‘ziga bersa, to‘g‘ri yo‘lni albatta topadi».

Darhaqiqat, hayot sinovlaridan og‘ishmay qadam bosayotgan har bir yosh yigit uchun ushbu hayotiy so‘zlar, faxr va iftixor bag‘ishlab, kelajaka dadil qadam bosishimizga kuch va asos bo‘la oladi.

## **«SHUNQORLAR» MAS’ULIYATI**

O‘quv muassasalaridagi harbiy rahbarlar orasidagi hayotim boshlandi. Yetti yil davomida ko‘plab kollej va litsey o‘quvchilari ichida jismoniy jihatdan etuk, ma’naviy jihatdan barkamol shunqor yigit-qizlardan iborat jamoa to‘plashga muvaffaq bo‘ldik. Biz tashkil etgan «Ofitserlik – sharafli kasb», «Mardlar qo‘riqlaydi Vatanni», «Mard maydonda sinaladi» kabi tadbirlar ko‘pchilikning e’tibori hamda e’tirofiga sazovor bo‘ldi.

O‘quv muassasalarida olib borilayotgan «Chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik» faniga oid mashg‘ulotlar o‘quvchilarining har tomonlama chiniqishlariga katta hissa qo‘shdi. Oliy harbiy bilim yurtlariga, harbiy xizmat turlariga, mudofaaga ko‘maklashuvchi «Vatanparvar» tashkilotiga saralash ishlarida ham amaliy yordam berdi.

Ushbu ezgu ishlar orqali xalq bilan armiya o‘rtasidagi ko‘prik yanada mustahkamlanib, o‘quv

muassasa rahbarlarining ushbu sohaga e'tibori, harbiy ta'lif rahbarlarining fidokorona mehnatlari ko'zga yaqqol tashlana boshladi.

Bugungi kunda shunqorlarning ko'pchiligi nufuzli idoralarda xizmat qilayotir. Esimda, ilk ish kunimda ularning egnida namunali kiyimi yo'q, ko'zlarida bugungiday o't chaqnamasdi. Hozirda ular bilan gaplashsangiz, ko'zlariga boqsangiz, bir olam quvonch hamda zavq olasiz.

Bugun «Shunqorlar» safidagi yigit-qizlarning bosgan izidan o't chaqnaydi, oldiga qo'ygan maqsadi aniq, fikri tiniq, niyati xolis. Bu boshlang'ich harbiy tayyorgarlik yo'nalishi turli jabhalarda, ayniqsa, yosh yigit-qizlarimizning milliy-ma'naviy olaming daxlsizligini asrash borasida buyuk yangilanish va yutuqlarni olib keladi, deb o'ylayman. Chunki Vatan ravnaqi yo'lida har qanday ishni intizom va yaxshi niyat bilan bajargan insonlarning tilagi amalga oshadi. Intizom bor joyda iqtisod barqarorlashadi. Hayot yo'llarimizning yorug'bo'lishi mustahkam e'tiqodimizga va ustozlarning bergen ta'lif-tarbiyasiga ko'proq bog'liq ekan, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida ta'lif berayotgan harbiy rahbarlarning o'z vazifalariga yanada mas'uliyat bilan yondashishlari, bu borada ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlashimiz lozimligi bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri deb o'ylayman. Chunki Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlab o'tganlaridek: «Har qaysi davlatning chegaralarini daxlsiz saqlashda harbiy kuch-qudrat, Qurolli Kuchlar

suv bilan havodek zarur. Ammo xalqimiz, avvalambor, yosh avlodimiz ma'naviy olamining daxlsizligini asrash uchun biz nimalarga tayanib-suyanib ish olib borishimiz kerak, degan savol bugun barchamizni o'ylantirishi tabiiy».<sup>3</sup>

Shunday ekan, intizom, tartib bor joyda o'sish, yuksalish bo'ladi. Ular yo'q joyda tartibsizlik, tarafkashlik, turli mojarolar avj oladi.

Dunyodagi eng sharaflı kasb – yoshlari oniga Vatan tuyg'usini singdirish, uni komil inson qilib tarbiyalash ekan, yoshlarga shaxsiy ibrat namuna qilib ko'rsatilsa, nur ustiga a'lo nur bo'lar edi.

## **VATANNI ASL O'G'LONLAR QO'RIQLAYDI!**

Bir kuni tumanimizning mudofaa ishlari bo'limiga bir yigit kelib, harbiy xizmatga borolmasligini aytib qoldi. Ochig'i, judayam hayron bo'lib qoldik. Chunki bunday holatlar juda kamdan-kam ro'y berar edi-da. Uning oilaviy ahvolini, sog'lig'ini obdan o'rgandik. Barchasi xizmatga safarbar qilish me'yorlariga to'g'ri keladi. Bizning qattiqqo'llik bilan bergen savollarimizga u kutilmaganda yig'lab yubordi. Uning yigitlikka to'g'ri kelmaydigan bu harakati ham achchig'imizni chiqardi, ham unga rahmimizni keltirdi.

Vatanni sevish, uni ardoqlash, uni himoya qilish, avvalo, harbiy xizmatdan boshlanar ekan,

---

<sup>3</sup> I.Karimov. Terrorizm xavfi to'g'risida. – T.: Sharq, 2002. – B.103.

xizmatni o'tay olmagan, qo'rqoqlik va noshudlik qilib, o'zini kasalga solgan yigitlardan qanday qilib Vatan himoyachilari chiqadi? Dunyoga Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Boburdek buyuk sarkardalarni yetishtirib bergen yurt avlodlariga bunday bahonalar aslo yarashmaydi.

Istiqlolga erishganimizdan so'ng xizmat turlari shakllantirildi, safarbarlik chaqiruvi rezervi xizmati tashkil etildi. Birinchi Prezidentimiz tomonidan harbiy qismlarda dunyo ahlini lol qoldiradigan darajadagi sharoitlar yaratilib berildi. Harbiy xizmat turining qaysi biri bo'lmasin, sa doqat bilan o'tagan yoshlarmiz, harbiy xizmatga bormagan yoshlardan yaxshi jihatlari bilan ajralib turmoqda. Buni hayotning o'zi ko'rsatmoqda.

Haligi yigitga bu haqda gapira turib, shunday dedik:

– Ukajon! Ko'zlariningdagi yoshni art, qaddingni baland tut-da, Vatan himoyasi, yurt mudofaasi sari otlan. Sen ham shunqor bo'l, o't bo'l, olov bo'l. Aslo qo'rkoq bo'lma. Uning ishongan o'g'lolari safida bo'l. Yo'qsa, seni Ona Vatan kechirmaydi!

Shundan so'ng u yigit ijobiy tomonga o'zgardi.

## **HAQNAZAR AMAKIM IZTIROBLARI**

Hikmat bobomning kichik farzandi – Haqnazar amakim 1938-yilda Samarqand viloyatining Xatirchi tumanida tug'ilgan. Shu yerda o'rta məktəbni tugatib, Samarqand shahrida, keyinchalik Novosibirsk universitetida təhsil olğan. O'sha davr an'anasiiga amal qilib, rossiyalık rus ayoli Nina yangamızga uylangan. Chunki o'sha paytlarda aralash nikohlar, ayniqsa müslim və boshqa din vakillarının oila qurishi partiya olib borgan siyosatga juda mos tushgan.

Ushbu yosh oila Surxondaryo viloyatining Denov tumaniga ishga yuborilgan. Amakim taqdirida tug'ilib o'sgan viloyatida emas, balki olis Surxonning bir chekkasida ishlash bitilgan edi. O'ris yangam məktəbda o'qituvchilik qilgan bo'lsa, amakim savdo idoralaridan biringin mas'ul xodimi bo'lgan. 1962-yilda ularning oilasida o'g'il farzand dunyoga kelgan. Shu yigit voyaga yetgach, Moskvadagi harbiy bilim yurtida təhsil olib, rus qiziga uylangan. 1985-yilda amakimning xotini Nina yangamız vafot etgan. O'g'li onasining ma'rakalarida qatnashgan, ammo onasining vafotidan keyin otasını deyarlı yo'qlamagan.

Amakim o'shanda ham taqdirdan nolimay yashardi, o'z oilasidagi baxtli damlarni tez-tez eslab turardi, xotini va o'g'lini, ularga bo'lgan mehrini aytishdan charchamasdi. Chunki u haqiqiy kommunistik g'oyani o'zida singdirgan, partiya yo'lini bir umrlik to'g'ri yo'l deb bilgan, uning mafkurasiga chippa-chin ishongan inson

edi. Ehtimol, istiqlol yillaridagi o'zgarishlarni o'z ko'zi bilan ko'rmanida, ayni shunday e'tiqod bilan bu dunyodan o'tib ketarmidi...

Yaratganga shukrlar bo'sinki, 1991-yilda qo'lga kiritilgan davlat mustaqilligi barcha yurtdoshlarimiz qatorida Haqnazar amakim hayotida ham keskin o'zgarish yasadi. Amakim yurtimizda olib borilayotgan ulkan islohotlarni ko'rdi, Vatanimizning har go'shasida amalga oshirilayotgan o'zgarishlardan xabardor bo'ldi. Eng muhimi, o'sha davrgacha olib borilgan siyosatning mazmun-mohiyatini anglab yetdi, sho'ro rahbarlarining kirdikorlarini bilib oldi, o'zbek xalqining boshiga tushgan og'ir kunlarning asl sabablarini tushunib yetdi. O'zbekistonning sobiq ittifoq uchun xomashyo bazasiga aylanib qolgani, balandparvoz shiorlar ostida qa-



Haqnazar Hikmatov turmush o'rtog'i  
Nina Hikmatova va o'g'li Vyacheslav Hikmatov.  
Surxondaryo viloyati Denov shahri, 1975

nday mash'um niyatlar borligini fahmladi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov takidlaganidek, «Mana endi SSSR degan davlat yo'q bo'lib ketdi. Kimdir bundan xursand bo'lsa, yana kimdir, afsuski, o'sha davrlarni qo'msab yashayapti. Aslida, imperiyalar, zo'ravonlik bilan tuzilgan davlatlar hech qachon uzoq yashamaydi. Bu – tarix haqiqati».

Haqnazar amakim Mustaqillik yillarida amalga oshirilayotgan bunyodkorlik ishlarini ko'rib juda quvondi, ayni paytda sotsialistik tuzumning asl basharasini anglab, sobiq tuzum ravnaqi yo'lida sarflagan umrining zoye ketganini ich-ichdan fahmlab yetdi. Xususan, Birinchi Prezidentimizning ommaviy axborot vositalarida-gi har bir chiqishini sinchiklab kuzatib borardi. Ayniqsa, ta'lim-tarbiya borasidagi islohotlar, qo'lga kiritilayotgan yutuqlar amakimni bee'tibor qoldirmasdi. Sport va san'atdagi yoshlarimizning dunyo miqyosida e'tirof etilayotgandan juda xursand bo'lardi. Harbiy sohadagi o'zgarishlardan amakimning boshi osmonga yetdi. Mening harbiylikni tanlaganimdan faxrlanib, «Iloyo, kasbingdan baraka topgin, asl mard yigitlargina Vatanning asl posboni bo'la-di, bolam», deya meni olqishlab qo'yardi.

Amakimni tug'ilgan joyi – Xatirchiga qaytarib olib kelolmadik. Qanchalik qistamaylik, xotining qabri shu yerda ekanini, uning ruhini shod etish lozimligini aytardi. Men amakimning so'nggi kunlarida uning yonida edim, so'nggi yo'lga kuzatishda bosh-qosh bo'ldim.

Surxondaryoning ulkan tog'lari va rus qabristoni ko'rinish turadigan baland bir tepalikdagi qabrga qo'ydim. Haqnazar amakimdan menga mingga yaqin kitoblar hamda uning alamli iztiroblari qoldi. Men amakimning ruhi poklariga atab har kuni duo qilaman: iloyo oxiratlari obod bo'lsin.

## **QALDIRG‘OCH QISSASI**

Chamasi olti yoshlarda edim. Bahor fasli edi. Bir kuni mahallamizdagi simyog‘ochda qaldirg‘ochlar chug‘urlashib turganini ko‘rib qoldim. Yerdan kattaroq toshni oldim-u, qaldirg‘ochlarga qarata otdim. Tosh qushlardan biriga borib tegdi. Bechora qush tipirlagancha jon taslim qilish holatida yerda yotardi. Bora solib qo‘limga oldim. Qo‘limga olishim bilan qaldirg‘ochning joni uzildi. Buni ko‘rgan otam:

- Bolam, qaldirg‘ochni bekorga nobud qilding,
- deya qattiq koyidi.

Qaldirg‘ochga nisbatan qilgan shafqatsizligim uchun chin dildan pushaymon bo‘lib, uni ko‘chamizning chetiga ko‘mdim.

Ishonasizmi, bu voqeа olti yasharligimdan to o‘tgan yilning bahor fasliga qadar, ya’ni 25 yil meni vijdon azobida qiynadi. Har yili ko‘klamda qaldirg‘ochlarni ko‘rganimda, yuragimda bir tug‘yon ko‘tarilardi.

2015-yilning bahor faslida, havo qattiq sovib ketgan mahali ishxonamning oynasidan hovliga qarasam, yerda qanotlarini yozib, tipirchilab jon

holatida bir qaldirg'och yotibdi. Yugurib hovliga chiqdim. Yerdagi qaldirg'ochni olib, xonamga olib kirdim. Sovqotib qolgan. Tanasiga nafasim bilan issiq havo berganday bo'ldim. Qaldirg'och ancha jonlandi. Suvdonga suv soldim va nonni bo'lakchalarga bo'lib, xonamning bir burchagida qunishibgina o'tirgan qushning yoniga qo'ydim.

Ertasi kuni kelsam, u stolimdagi kompyuter ustida turibdi. Mana senga deb, «sovga»sini monitor yuziga chaplashga ham ulguribdi. Men qaldirg'ochga qarab «to'g'ri qilbsan», deya hazilashdim.

Shu qadar hayratda edimki, qo'limdagi qaldirg'och mendan qo'rqlmay qaddini g'oz tutib turardi. Tashqariga qarasam, quyosh charaqlab turibdi, havo yaxshi. Derazani ochib, qo'limni tashqariga chiqardim. Qaldirg'och pir etib uchib ketdi. Qushning samo uzra qanotini keng yo-yib parvoz qilishini kuzatarkanman, o'zimni 25 yildan beri yuragimga sanchilib kelayotgan vijdon azobidan qutulgandek his qildim.

## **TULPOR MINGAN BOLAKAY**

Samarqand shahridagi to'yxonalardan birida mehmon bo'ldik. Yonimizdan yog'och tulpor minib olgan bolakay o'tib qoldi. Tulporining qomatini bir tepaga ko'taradi, bir pastga tushiradi. Bolakay barchaning havasini keltirardi. Davradagi raqqosaning harakatlaridan ko'ra, bu bolaning qiliqlari o'ziga biram yarashgan edi. To'yxonadagi mehmonlar o'yinchi qiz-

ga emas, bolakayning do'ppisi ostiga pullar qistirib qo'yardi. Bolakay pullar bilan ishi yo'q, hamon zavq-shavqqa to'lib o'ynardi. U beixti-yor menga bolaligimni eslatib yuborgan edi. Men hamon tulpor mingan bolakayga hayrat bilan tikilardim...

## **FARG'ONANING OSHI**

Farg'ona shahrida xizmat qilgan vaqtimda dilga yaqin oshna-og'aynilar bilan har uch kunda osh qilardik. Qizig'i, ertasi kuni ham, indiniga ham hamma o'z ishi bilan ovora bo'lib ketar, uchinchi kunga borib, oshning xumori tutaverardi. Oshni damlab, so'riga o'tirgach, eng avvalo, qalampirli sho'rva ichilardi. Tabiiyki, sho'rvaning ichi qalampir va oshning yog'li suyaklariga mo'l bo'ldi. Bu sho'ravadan keyin laganda bir dona guruch ham qolmasdi. Sho'rva ishtahamizni karnay qilib yuborardi-da! Hozirgacha uyda osh tayyorlansa, uning ustidagi qalampir menga Farg'onaga bormaysizmi, degandek, lovullab turadi.

## **TOSHKENTLIK OQIL AKA HAYRATI**

Otam ko'pincha Toshkentdagi uyimda nevaralar tarbiyasi bilan mashg'ul bo'ladi. Mahallamiz odamlari bilan juda inoq, ayniqsa, toshkentlik Oqil aka bilan aka-uka tutingan.

Xatirchidan amakim o'g'illarini uylantirayotgani haqida xabar keldi. To'yga otam tanishi

Oqil akani ham olib ketajagini aytdi. Qo'yarda-qo'ymay mehmonni ham Xatirchiga olib bordik. To'y zo'r o'tdi. Otam sulolamiz to'ng'ichi bo'lgani bois, yoshlarga oq fotiha berib, to'yni ochib berdi. To'yning ortiqcha dabdabalardan holiliginini hamda kelin tomondan kelgan sandiqni ko'rib Oqil aka hayratga tushdi.

– Bizda kelin tomonga jabr qilib xorijning mebeli, qo'sha-qo'sha lash-lushlar qilinadi. Mana, isrofgarchilik qilmasdan ham to'y o'tkazsa bo'lar ekan-ku.

To'ydan ikki oy o'tib, meni yolda ko'rib qoldi-da, yangi kelin-kuyovlarni so'radi. Men Oqil akaga ular hozirda yurtimizdagi eng baxtli yoshlardan ekanini, hech narsadan zoriqmay yashayotganliklarini aytdim. Shunda Oqil aka qo'lini duoga ochib: «Iloyo, kelin-kuyovlar qo'shgani bilan qo'sha qarisin. Mana shu kuyovlardek mard, or-nomusli yigitlarimiz soni ko'paysin. Fahm-farosatli, oqila kelinlarning qadami qutlug' kelsin», deya niyat qildi.

## **PUL SOCHISH HAM AN'ANAMI?**

O'zbekiston Respublikasining Davlat madhiyasida shunday misralar bor:

“Bag'ri keng o'zbekning o'chmas iymoni”.

Darhaqiqat, o'zbek xalqini tavsiflaydigan sifatlar orasida bag'rikenglik, saxovatpeshalik muhim o'rinni egallaydi. Aslida, bunday bag'rikeng, saxovatpesha insonlar doimo el ardog'ida, xalqning

doimiy e'tiborida bo'lishadi. Muqaddas hadislarimizda ham saxiylik, mehr-muruvvat ko'p bora tilga olingan. Shu ma'noda o'zbek xalqining mehmondo'stligi, saxiyligi borasida ko'p iliq gaplarni aytish mumkin. Biroq...

Yaqinda bir to'yda qatnashdim. Hammasi risoladagidek: dasturxonlar to'kin, mezbonlarning iltifoti, xizmatdagi yigitlarning yelib-yugurishi – hammasiga qoyil qolasiz. Osh-ovqatlarning tartib bilan tortilishi, san'atkorlarning xonishi – barchasi kishini to'lqinlantiradi. Ammo guruch kurmaksiz bo'lmaydi, deganlaridek bir voqeа ko'pchilikning g'ashiga tegdi. Bir o'rta yoshlardagi kishi san'atkorlarning ham, o'yinga tushayotganlarning ham ustidan pul socha boshladi. To'g'ri, pul uniki, qay tarzda sarf qiladi, bu – uning shaxsiy ishi. Ammo, ayni shu holatning o'ziyoq o'zini anglagan har bir insonni tashvishga soladi.

Avvalo, bunday holat pul sochayotgan kishining madaniy saviyasini ko'rsatadi. Axir, u pul sochishning ijtimoiy tomonlarini o'ylab ko'rganmikan? Bu o'sha shaxsning boyligini emas, balki ma'naviy qashshoqligini ko'rsatmaydimi? Aslida, insofli, diyonatli odam ataganini to'y egasiga to'yna qiladi.

Ochig'ini aytganda, pul sochish yoki pul qistirish o'zini ko'z-ko'z qilishdan boshqa narsa emas. Shu bilan birga pul sochishning ma'naviyatimizga mos kelmasligini ham unutmaslik kerak. Binobarin, topilgan mablag' halol bo'lishi va ezgu ishlarga sarflanishi zarur.

Nazarimizda, masalaning yanada muhim bir nozik jihatni bor. Chunki sochilayotgan pullar bu – o'zbek so'mi, ya'ni milliy valyutamiz. Axir milliy valyuta ham o'zbekning o'zligini namoyon etuvchi, qalblarda milliy iftixor tuyg'usini uyg'otuvchi ramzlardan biri emasmi? Axir, milliy valyutamizda davlat ramzlari aks ettirilib, ona tilimizdagi so'zlar bitilmaganmi? Bizningcha, pul sochish, bu – shaxsiy masala emas, balki madaniy-ma'naviy, ijtimoiy-siyosiy masalalar sirasiga kiradi. Shunday ekan, biz kim ekanligimizdan qat'i nazar, pul sochish kabi illatlarni qoralashimiz, milliy valyutamiz qadrini anglab yetishimiz lozim.

## **QORAQALPOQ TO'YI**

2010-yili Qoraqalpog'istonda xizmat qilayotgan do'stim Sherzod Choriyev uylanayotganini aytib, to'yga taklif qildi. Adashim hamda yaqin do'stim bu yerda ofitser lavozimida ishlar, xizmat faoliyatini a'llo darajada olib borardi.

Qoraqalpog'iston qayerdasan, deya xotinim va bolalarimni olib yo'lda otlandim. Do'stimning uyiga kirib borganimizda, bizni kelin bolaning o'zi ta'zim bilan kutib olsa, deng! To'y ertaga, kelin bugundan xizmatga tushib ketibdi-ku! Keyin bilsam, bu yerning odati shunday ekan.

Ertasiga to'y ham boshlandi. Kamina – kuyovjo'ra. Kuyovning oldida savlat to'kib o'tiribman. O'rtakash yigit tez-tez menga ma'noli qa-

rab qo'yardi, hatto bir-ikki «adresli» yo'talib ham olsa, deng. Ochig'i, ensam qotdi. Mehmon ekan deb sinayapti chog'i, deb o'yladim.

Turli o'y-xayollar ichida o'tirganimda, o'rta-kash yuborgan shekilli, oldimda ikki yigit pay-do bo'ldi-da, qulog'imga bir nimalarni shipshidi. Ularning gapiga qaraganda, men kuyovning yonida emas, balki kelinning yonida o'tirishim lozim ekan, mening o'rnimda esa kelin yanga. Ham jahlim chiqdi, ham kulgim qistadi. Men yigitlarga: «O'rtakashga borib ayting, men kuyovning yonida o'tiraman. Kelinning yonida kelin yanga o'tirishi kerak», deb aytdim-da, joyimdan jilmadim. O'rtakash aka mendan ranjidi shekilli, bir-ikki xo'mrayib, to'yni davom ettirdi. Qoraqalpoq to'yi zo'r o'tdi.

Eng qizig'i, to'yning so'ngida bo'ldi. Kelin-kuyovni olib chiqib ketar mahalimizda bir to'da odamlar jiqqamusht bo'lib ketsa, deng. Ular ni ajratib qo'yishga endicina kirishgandim, bilagimdan bir yigit tortdi-da: «Mehmon, siz chetga qochib turing, bu yog'ini bizga qo'yib bering. Bizda odat shunaqa», degancha mojaroga qo'shib ketdi. Kelin-kuyovni amallab uyga ku-zatib yubordik. Hozirgina urishgan odamlar bir pasda osh-qatiq bo'lib, meni hayron qoldirishdi. Bunday an'analar faqatgina qozoqlarda bor, deb o'ylar ekanman. Ochig'i, kap-katta yigitlarning urishishi menga erish tuyuldi. Lekin qoraqalpoq to'yi menga juda yoqdi. Bilib-bilmay ularning an'analarini buzganim uchun ulardan uzr

so‘rab, xayr-xo‘splashdim-da, oilam bilan yana poytaxt sari ravona bo‘ldim.

## **USTOZLAR O‘GITI**

Odamning yomoni bo‘lmaydi, uni tarbiyalash kerak, deyishadi. Shunday ekan, biz qaysi so-hada faoliyat yuritmaylik, insonlardan ezgulik istab yashaymiz. Ayrim kishilar tabiatida birovga o‘xshagim kelmaydi, degan manmanlik ham bor. Bu ibora nisbiylik kasb etadi. Chunki o‘rmondagи hayvonlar orasida katta bo‘lgan odamda hayvon tabiatи sezilishi tabiiy. Shuning uchun jamiyat-dagi insonlar ham atrofidagi insonlar va ustozlarining ibratli harakatiga qarab o‘zini shakllanti-radi. Va shu tariqa yutuqlarga erishadi.

Shu bois hayotning past-u balandini ko‘rgan, Vatan ravnaqiga nafi tekkan ustozlarning yo‘li bi-zga ibrat bo‘ladi. Bizning ustozlardek bo‘lmaslik-ka, ularning nurli yo‘llarini davom ettirmaslikka aslo haqqimiz yo‘q. Binobarin, Birinchi Preziden-timizning ushbu so‘zlari biz yoshlarning yo‘lini charog‘on etadi: «Hech bir ishda shoshilmasdan, ayni paytda sustkashlikka yo‘l qo‘ymasdan, faqat va faqat o‘zimizning kuchimizga ishonib, tayanib yashashimiz kerak. Ana shunda biz, albatta, o‘z murod-maqsadimizga yetamiz».

## **QATRALAR**

---



### **INTIZOM – BOSH MEZON**

Intizom, tartib bor joyda o'sish, yuksalish bo'ladi. Ular yo'q joyda tartibsizlik, tarafkashlik, turli mojarolar avj oladi. Ayrim Arab davlatlari-dagi tartibsizliklar so'zimiz isbotidir.



### **ADOLAT TAROZISI**

Yomon odam yomonligicha, yaxshi inson ham umrbod yaxshiligidcha qolmasligi mumkin. Shu bois insoniyatga muvozanat ato etilgan. Barchasi o'zimizga bog'liq. Muvozanat biz uchun adolat tarozisidir.

## **BOBOMEROS**

Xalqimizda etagimni ushla, o'rgatganlarimni uqib ol, deguvchi asl polvonlar talaygina. Aslida, etak tutish biz o'zbeklarga bobomeros bo'lib kelayotgan qadimiylardan biridir. Bu meros mo'rtlikning oldini olib, o'g'lonni pishitib, kamonga yetkazadi. Buyuk merosni asrash har birimizning burchimizdir.

## **SOYA**

Hadeb otangning soyasida turaverma. Sen ham otangga soya bo'l. Chunki u senga bir umr panoh bo'lib keldi. Javob qaytarish payti keldi, ey o'g'lon!

## **HASADGO'Y**

Endigina yetdim deganingda, yo'lingni to'sadi-ganlar bor. Oqib kelayotgan irmoqning yo'lini to'sish emas, balki uni to'g'ri yo'lda solib yuborish kerak. Sharqiroq irmoqning yo'lini to'sding-mi, demak, sen hasadgo'ysan.

## **NOSHUKR BO'LMANG**

Hadeb noliydigan insonlar hayotdan nolib o'tib ketishadi. Shukr qilib yashaganlar baraka topadi. Siz shukr qilib yashang, shukr qilgan bandsiga Alloh albatta baraka beradi. Noshukrga esa...

## **ANGLASH...**

Dunyoni kezib, Ona Vatanimdek yurt ko'rma-dim. To tirik ekanman, yurtimning har bir qarich tuprog'ini ko'zimga to'tiyo qilaman.

## **KIBRNING OQIBATI**

O'ziga haddan ortiq ishonadigan insonlar ko'p xato qilishar ekan. Samoning chek-chegarasi yo'q. Havolanib ketib, beixtiyor yerga chilparchin bo'lib tushish mumkin. Ummondag'i «Titanik», samoga otlangan «Chellenjer» bunga misoldir.

## **DO'STLIK**

Bir inson boshqa bir insonga kel, do'st bo'lamiz dedi. Do'stlashishdi. Ularning do'stligi abadiy bo'ldi. Do'stlikni taklif qilgan inson bo'lajak do'stini obdan o'rganib chiqib, qaror qabul qilishda adashmagan edi. Hayotida yetti o'lchab, bir kesadigan, sermulohaza insonlarning do'stligi shu bois umrboqiy bo'ladi.

## **JASORATLI YO'L**

Hayotdagi asl jasoratli yo'l – nomardlar qarshisida tiz cho'kmay, mardlar oldida ta'zim qilishdir. Mardning mardga tan berishi ham asli bir jasoratdir.



## **DO‘STLARINGDAN NOLIMA**

Do‘stlaringdan hadeb noliyverma. Yaxshi do‘st topaman deb yomoniga uchrab, o‘sha yaxshi «yomon» do‘stingdan ham ajralib qolishing mumkin.

## **TILDA EMAS, DILDA**

Vatanparvar bo‘lish uchun, Vatan deya ko‘krakka mushtlash shart emas. Vatan tu-shunchasi dilimizga muqaddas Ona suti bilan singgan bo‘ladi.

## **ULAR BIZLARDAN EMAS...**

Bugungi zamonimizda ko‘plab yurtdoshlari-miz xorijda oila tebratish uchun ishlashyapti. Ularning halol pul topayotganlaridan xursand-

miz. Ming afsuski, ba'zan ularning ichida Vatanni sotayotgan **XOINLAR** ham uchramoqda. Iymonini sotgan xoinlar bizlardan emas, degim keladi.

## **TO'RT DEVOR ORASI**

Bir kuni iztirobga tushganimda to'rt devor meni go'yo yutib yuborayotganga o'xshadi. Najot istab devor burchaklariga qalbimda qolgan so'nggi umid uchqunlarini qoqib qo'ydim. Nati-jasini kutib, sabr qilib o'tirdim. Balki ishon-massiz, devor menga so'nggi umiding qolgunicha noumid bo'lma, men ko'rgan azoblar ol-dida seniki qum zarrasi-ku, degandek bo'ldi. To'rt devor orasi menga ko'p, juda ko'p narsalarni o'rgatdi...

## **MA'NAVİY DUR**

Agar qolimdan kelganda edi, kindik qonim to'kilgan yurtning barcha ko'chalariga dur-u javohir sochib chiqqan bo'lardim. Lekin Vatanim talon-toroj bo'lmasligi uchun orzuyimdan voz ke-chaman-da, avvalo, ma'naviy olamimni boyitaman. Boshqalarga ham ma'naviy dur ularsha-man. Ularning ma'naviyatidan to'kilgan durlar yurtimizning barcha ko'chalarini bezashiga isho-naman.



## **HARAKATDAN TO'XTAMANG!**

Bir ishni boshlab, oxiriga yetkaza olmadim, deya o'kinmang. Boshqa bir ezgu ishga bel bog'lang. O'zingiz bilmagan holda, dastlabki boshlagan ishingiz ro'yobga chiqadi. Asosiysi, harakatdan to'xtab qolmaslik kerak.

## **OSMONNING OXIRINI TOPDIM**

Osmomonning oxirini topdim, lekin gapimga hech kim ishonmadi. Natijada o'zimga bo'lgan ishonchim yo'qoldi. Shundan so'ng barcha harakat va amallar uchun asos talab etilishini anglab yetdim. Dunyoning barcha sir-u sinoatlari asos ustiga qurilgan ekan.

## **SHOSHILMA**

Sendan o'zishga harakat qilgan odamlarni o'z holiga qo'y-da, o'z yo'lingdan qolma. Bir kuni albatta ularning yonidan o'tasan. Shunda kim kimdan o'zgan-u, kim kimdan ortda qolganiga guvoh bo'lasan.

## **O'ZBEK JURNALISTLARI**

Ba'zi bir xorij jurnalistlarining gap-so'zlarini tinglab, xatti-harakatlarini kuzatib, ochig'i hayron bo'laman. Ochiqdan-ochiq o'z mamlakati-ga tosh otadi, o'z millatidan illat izlaydi. Ularning maqsadi o'zi nima ekan? Yurtining salbiy tomonlарини ко'rsatib mag'rurlansa, jahon afkor ommasiga ko'z-ko'z qilsa, u qanday vatanparvar bo'ladi?

Men ularga asl vatanparvarlikni o'zbek jurnalistlaridan o'rganing degan bo'lardim. Kelajakda bizning jurnalistlar "Namuna maktabi" ochishsa ajab emas. Mustaqil mamlakatimizda olib borilayotgan asrga tatigulik tub islohotlar, barcha ning havasini keltirayotgan bunyodkorlik ishlarini ro'y-rost, samimiylar tarzda xalqqa yetkazib berishayotgani uchun ular oldida ta'zim qilsa arziydi. Dunyoning manaman degan jurnalistlari o'zbek jurnalistlaridan o'rganishi lozim bo'lgan jihatlar juda ko'p.

## **QONUNIYAT**

Ayollarni asrang! Zero, ayol kishi e'zoz topish uchun yaratilgan.

Ayollardan qo‘rqaman, deydigan erkaklar, eng avvalo, o‘zlaridan qo‘rqadilar. Bo‘lmasa bu so‘zlarni gapirmagan bo‘lardi. Vaholanki, ayollar erkaklarni o‘zlarining orzusidagi ideal va qat-tiqli er bo‘lishini juda-juda xohlaydi.

## **MEHR**

Farzandlaringizga mehr ko‘rsating. Bir kun kelib mehrga zor bo‘lmaysiz.

## **BELBOG‘**

Yigitmisan? Belingda belbog‘ing bormi? Unda oilangni albatta baxtli qil. Belbog‘ – yigitning or-nomusi. Nomus esa oiladan boshlanadi.

## **JOHIL ODAM**

O‘z farzandlariga bemehr odam johil odamdir. Undan har qanday yomonlikni kutsa bo‘ladi.

## **ERKAKNING BAHOSI**

Mard inson o‘zini jamiyatda, oilada ko‘rsatadi. Shu orqali odamlar unga baho berishadi.

## **RO‘ZG‘OR**

Ro‘zg‘or o‘z nomi bilan ro‘zg‘or. Uni butkul to‘ldiraman deb g‘orga kirib ketasan. Keyin qaytib chiqishing dargumon bo‘ladi.

## **«SHUNQORLAR»GA TA'RIF**

«Shunqorlar» – Vatan tayanchi.

Bugungi barcha fidoyi insonlar asli shunqorlardir.

Yoshlarning ezgu niyatlari «Shunqorlar»da mujassam.

Mard bo'lsang, «Shunqorlar» safida bo'l.



«Shunqorlar»ning asosiy maqsadi Vatan ravnraqiga o'z hissasini qo'shishdir.

Yigitlarning sarasi – shunqor!

Shunqor qizlarimiz To'maris shijoatini his qiladi.

## **SPORT XUMORI**

Sport shunday san'atki, u bilan bir kun shug'ullanmay qo'ysang, o'zingni notavon sezasan. Sport xumori tutaveradi.

## **SPORT JOZIBASI**

Sportning turi ko'p. U misoli sehrli qulf osilgan xona. Unga mos kalit yasang va uning jozibasidan bahra oling.

## **SPORT – BU SEVGI**

Menimcha, dunyodagi eng chiroyli so'z bu sport, yo'q, adashdim shekilli, balki sevgidir. Yo'q, to'xtang, sport va sevgi so'zlari ma'no jihatdan egizak bo'lishsa kerak.

## **SHUNDAY INSONLAR BOR**

Dunyoda shunday insonlar borki, ular yer yuzidagi deyarli barcha illatlarni o'zida mujassamlashtirgan. Bu yorug' olamda shunday insonlar ham borki, ularning ezgu fazilatlarini sanab, sanog'iga yetolmaysan.

## **UYG'UNLIK**

O'zbek yigit harbiy tayyorgarlik bilan ta'lim-tarbiyani uyg'unlashtira olsa, ommaviy madaniyatga qarshi dadil tura oladi. Bu ikki jihatga alohida ahamiyat berish lozim.

## **SHARAFLI KASB**

Dunyodagi eng sharaflı kasb yoshlar oniga Vatan tuyg'usini singdirish, uni komil inson qilib tarbiyalashdir. Yoshlarga shaxsiy ibrat namuna qilib ko'rsatilsa, nur ustiga a'llo nur bo'lar edi.

## **NOMUTANOSIBLIK**

Harbiy qismdagi ta'lim-tarbiya adolatli bolsa-yu, boshlang'ich harbiy tayyorgarlik ravon bo'lmasa, maqsadga muvofiq ish bo'lmaydi.

## **OMMAVY MADANIYAT**

Ommaviy madaniyat, sirtdan qaraganda ni-hoyatda chiroyli ko'rindigan, aslida esa ming yillik qadriyatlarimizga raxna soladigan, uni tag-tomiri bilan yulib tashlashga harakat qiladigan chirkin illatdir.

## **YOSHLAR TARBIYASI**

Ayrim o'qituvchilar yoshlar tarbiyasidagi salbiy jihatlar uchun ota-onalarni ayplashsa, va aksincha, nuqsonlar uchun ota-onalar ustozlarini ayplashadi. Azizlar, yoshlar tarbiyasini birgalikda olib bormas ekanmiz, ommaviy madaniyat deb atalmish balo ularning bo'shliqlarini o'zi istagancha to'dirib yuboradi.

## **ILLAT IZLAGANGA...**

Boshqalarni yomonlaydigan odamlarning asli-da o‘zlari yomon bo‘ladi. Yomon bo‘lgani uchun ham boshqalardan yomonlik izlaydi.

## **KELAJAKNI KO‘RA OLMASLIK**

Bugungi hur kunlarda Prezidentimiz, davlatimiz tomonidan yaratib berilayotgan imkoniyatlardan unumli foydalanmaslik, ularni suiiste’mol qilishni kelajakni ko‘ra olmaslik, nonko‘rlik degan bo‘lardim.

## **ONA VA ALLA SEHRI**

Ona beshikdagi chaqaloqqa alla aytadi. Alla murg‘ak qalbga singib, uning kelajakda buyuk inson bo‘lib yetishishiga sabab bo‘ladi. Ona va alla sehri naqadar buyuk, ularning tafti quyosh taftiga teng.

## **ASL BUYUKLIK**

Asl davlat – fuqarolarining g‘amini yeysi, ularga barcha imkoniyatlarni yaratib beradi. Shularga mos asl millat ham o‘z yurti uchun qo‘lidan kelgancha uning rivojiga hissa qo‘sadi. Ona yurtimizning buyukligi ham shu ikki irmoqdan qonib suv ichsa kerak.

## **TA’SIR KUCHI**

Ustozlarimizning ibratli yo‘li va so‘zlaridan ta’sirlanib hayotga yangi ko‘z bilan qaray bosh-

laymiz. Bu ta'sir kuchi yillar davomida ongimiz, shuurimizni charxlab, yo'limizni mash'al misol yoritib turadi. Ayrim odamlarning aytayotgan so'zlariga va qilayotgan ishlariga boqib, nomutanosiblikdan hayron qolamiz. Nima bo'lganda ham kelajakni ko'ra olib, yosh avlodga shaxsiy namuna bo'lishimiz kerak. Dunyodagi ma'naviyati, ma'rifati va madaniyati jihatdan o'ta kuchli, rivojlangan davlatlar taraqqiyotining siri ham mana shunda, deb bilaman.

## **YUTUQ**

Hayotda turtildim, qoqildim deb nolimaylik.  
Shulardsiz yutuqqa erishib bo'lmaydi.

## **MENIMCHA**

Dunyo tor bo'lib ketsa, ruhiyatning koinot bilan olishayotgan bo'ladi. Shuning uchun koinot hodisalarini sabr bilan qabul qilib, sabr bilan o'tkazib yuborish kerak. Sabrsizlik asorat qoldiradi.

## **AJDODLAR DAVOMCHISI**

Boshlang'ich harbiy tayyorgarlik kollej va akademik litseylardan maktablarga, maktablardan boshlang'ich tarbiya maskanlariga yetib borsa, buyuk ajdodlarimizning munosib davomchilarini bo'lamiz.

## **ASL YIGIT**

Asl yigit xotin moliga ko'z olaytirmaydi. Bir tanishim to'yi kuni xotini olib kelgan chet el mebellarini hazm qila olmadi. Qaytarib yubordi. Peshonasidan o'pib qo'ydim. Bunday yigitlar yurtimizda juda ko'p.

## **INSON BO'LISH KERAK**

Oilam deb yelib-yugurib yurgan turmush o'rtog'iga injiqlik qiladigan ayollar inson emas, shunchaki odamsimonlar toifasidan bolsa kerak. Qachonki, ayblarini bilib, gapirgan gaplaridan uyalsagina, ular inson toifasiga kirishadi.

## **TA'ZIM**

Otasiz qolgan farzandlarini o'ksitmay tarbiya qilayotgan ayollarga ta'zim qilaman.

## **BURCH**

Vatanni sevish burchimizdir. Shuningdek, oilani asrab-avaylash ham.

## **KATTA JINOYAT**

Meni kechirishsin-u, arzimagan sabab bilan oilasini barbod qiladigan ota-onalar katta jinoyat chillardir. Ularni boshqa nom bilan atab bo'lmaydi.

## **YURAK SO‘ZLAGANDA SOZLAR JIM TURAR...**

---

### **«SHUNQORLAR» BELLASHUVI**

Biz bunyodkor shunqorlar,  
yurt tinchligin ko‘zlaymiz,  
Ajdodlarni yod aylab,  
dildan yonib so‘zlaymiz,  
Kelajakka odimlab,  
dadil qadam tashlaymiz,  
Tuzajak har rejani  
intizomdan boshlaymiz.

Burgut kabi zamindan  
ko‘kka qarab uchamiz,  
Bulutlarni oralab,  
yulduzlarni quchamiz.  
Samolarda biz sergak,  
sarhadni yov buzolmas,  
Biz shunqorlar yo‘lini  
yovuz kuchlar to‘solmas.

Yurtboshimiz rahnamo,  
bizga doim madadkor,  
Yo‘limizni yoritar,  
besh tamoyil – besh shior.  
Kitobida namoyon  
aytgan buyuk so‘zlari:

Biz hech kimdan kam emas,  
biling, o‘g‘il-qizlarim.

Siz – yurtimiz ertasi,  
degan so‘zin oqlaymiz,  
Bu ishonchni doimo  
qalbimizda saqlaymiz.  
Biz bunyodkor yoshlarga  
el-yurtimiz havasda,  
Milliy g‘urur, or uchun  
jon-dilimiz payvasta!

## **OTAMNING O'GITLARI**

Otam menga tutqazdilar qog'oz, qalam:  
So'zlarimni uqib olgin, jonim bolam.  
Agar kimni do'st deb bilsang, sinab ko'rGIN,  
O'tgan kunlar tarixini yozib yurgin.

Eng avvalo, muhabbatting AllohgA ber,  
Seni qo'llar hamma joyda, shuni bil, der.  
Undan keyin Vatan uchun yonib yasha,  
Bor kuchingni mehnatingni shunga tashla.

Kurashlarda yengilmagin, bo'lgin, bardam  
Oilangni muqaddas bil, asra har dam.  
Farzandingni Ona yurtga mehrli qil,  
Tuysin Vatan tuyg'usini go'dak ko'ngil.

Otajonim o'gitidan oldim ibrat,  
El-yurtimga xizmat qilib topdim hikmat.  
Tomirimda oqar ekan toki qonim,  
O'zbekiston uchun fido bo'lsin jonim!

## **MEHR BERING**

Turfa olam ichra ming-ming odamlar ko'p,  
Biri tulki, biri bo'ri, olishar xo'b.  
Qabih ko'ngil yondoshiga qaziydi choh,  
Gar qulasa, yolg'on yig'lab chekar oh-voh.

Aslida-ku bu o'tkinchi yolg'on dunyo,  
Ro'yolardan uzoq yuring, qilmang riyoy.  
Gar boshingiz g'amga botsa, sabr qiling,  
Bu Allohning sinovidir do'stim, biling.

Havolanmang, samolardan pastga tushing,  
Yiqilsangiz burun qonar, pastroq uching.  
Bugun zo'rsiz, ertangizni o'ylab ko'ring,  
Shunqor bo'lib yosh avlodga mehr bering.

## **HIKMAT**

Karvon o'tar qator-qator,  
Nasibasin olib ketar.  
Har bandaning rizqi yerda,  
Toki terar turfa elda.

Yaratganning karami bu,  
Hech o'zgarmas kalomi bu.  
Kimga erta, kimga kechdir.  
Kimlar shuhrat uchun o'chdir.

Yigit kishi so'zdan tonmas,  
O'tga tushsa oltin yonmas.  
Qancha suvlar oqib o'tar.  
Maqsadiga bir kun yetar.

Intilganga tole yordir,  
Halollikda hikmat bordir.  
Mehnat qilgan ko'rmas zavol,  
Sofdil inson topar kamol.

## **EY, O‘G‘LON!**

Yurtimiz tinch, obod har uy, har makon,  
O‘z erkiga o‘zi bekdir har inson,  
Toki qalbda yashar ekan sof vijdon,  
Kel, Vatanni yashnataylik ey, o‘g‘lon!

Bir yoqadan bosh chiqargan qoqilmas,  
Dushmanlarning otgan toshi kor qilmas,  
Jasur yigit qo‘rquv neligin bilmas,  
Kel, Vatanni yashnataylik ey, o‘g‘lon!

Ezgulikka xizmat qilgan kam bo‘lmas,  
Yuragida aslo qayg‘u, g‘am bo‘lmas,  
O‘zga yurtning non-suvida ta’m bo‘lmas,  
Kel, Vatanni yashnataylik ey, o‘g‘lon!

Mard yigitning ko‘ksi to‘la or bo‘lar,  
Lafzi halol, yuzi quyoshday kular,  
Shundan qalbi shijoat, zavqqa to‘lar,  
Kel, Vatanni yashnataylik ey, o‘g‘lon!

## **POSBONLAR**

Siz «Bunyodkor», «Shunqor», «Burgut»,  
«Jasur», «Lochin»,  
Dovrug‘ingiz kezar bugun Chin-u Mochin.  
O‘zbekning er yigitlari aslo tolmas,  
Temuriylar nasli sira mag‘lub bo‘lmas.

Qadamingiz zalvoridan chaqnar o‘tlar,  
Loy chaplolmas yuzimizga g‘anim, yotlar.  
Sarhadlarni asrar doim askar o‘g‘lon,  
Hushyorlikni qo‘ldan bermas, chin qahramon.

Shunqor yigit, jamoani olg‘a boshlang,  
Kelajakka umid bilan qadam tashlang.  
Ko‘ngli qora yomonlarga qarshi yuring,  
Saxovatli, mehri daryo inson bo‘ling.

Siz «Yo‘bars», «Shunqor», «Burgut» ham  
«Bunyodkor»  
Yurtboshimga qanot bo‘lgan chin madadkor.  
O‘tkir bo‘lsin burgut kabi ko‘zlariningiz,  
Yurt oldida yorug‘ bo‘lsin yuzlaringiz.

## **HARBIYLAR**

Bunyodkorsiz, lochin, o'tkir ko'zlarim,  
Ham voha-yu vodiydag'i do'stlarim,  
Chin yurakdan chiqar ushbu so'zlarim,  
O'z yurtiga ko'ksi qalqon harbiylar!

Bir qanoti – baxtli bo'lsin yorim der,  
Bir qanoti – qasamyodim-orim der,  
Vatan – sha'nim, nomus, yo'g'-u borim der,  
Imoni pok, toza vijdon harbiylar!

Yigitman, deb el dardini o'ylaydi,  
Yurt obro'si – g'ururim, deb so'ylaydi,  
Er belbog'in belga mahkam boylaydi,  
El-yurt uchun temir qo'rg'on harbiylar!

Bahodirsiz, dilda yo'qdir zarra g'am,  
So'zda sobit, ishda metin-mustahkam,  
O'g'lolarga tilaklarim she'rda jam,  
Chin fidoyi, odil inson harbiylar!

## **POYEZD KELMOQDADIR**

Poyezd kelmoqdadir dovonlar oshib,  
Bekatda yo'lovchi kutmoqda shoshib.  
Baxtli inson kular shodlikdan jo'shib,  
Sen ham quvon do'stim, mehringni qo'shib.

Tirnama ko'nglingni bir kam dunyo deb,  
Intilsang, yetarsan nur-u ziyo, deb.  
Farzandim, dilbandim, deya yashagin,  
Vatanda zavqlanib gullab-yashnagin.

Shoshilib xatoga yo'l qo'yma aslo,  
So'ng bo'lib qolmagin shaytonga oshno.  
Sabrning tagida oltin bor, olgin,  
Siylaydi seni u, qalbingga solgin.

Poyezd kelmoqdadir dovonlar oshib.  
Bekatda yo'lovchi kutmoqda shoshib.  
Baxtli inson kular, shodlikdan jo'shib,  
Sen ham quvon do'stim, mehringni qo'shib.

## **JON TULPORIM**

Uyqu kelmas ko'zlarimga  
tunlar bedor bo'zlayman,  
Samolarga boqib yorim  
ko'zlariningni izlayman,  
Ey, tulporim kel yonimga,  
nomamni elt yorimga,  
Sog'inchlarim bisyor erur,  
yetkazgin dildorimga.

Chaqmoqdayin charaqlagan  
oy yuzlardan so'rayman,  
Qalbimdagi ishq o'tini  
atirgulga o'rayman,  
Dilginamni tashna qilgan  
ul yorimni ko'ray man,  
Bag'rim to'lib farzandimni  
quchog'imga olay man.

U ham yig'lab zorlanadi,  
faryod chekib yiroqda,  
Intizorman deya menga,  
olib ket der firoqdan.  
O'tmoqdadadir kunlarimiz  
sog'inch, alam, arazda,  
Ikkimizning o'rtamizda  
hijron hokim shu tarzda.

Taqdir azal chin bo'lsa gar,  
buzilmaydi uyimiz,  
Ming ko'y larga solsin mayli,  
sinov deymiz buni biz.  
Muhabbatning qudratiga  
bosh egadi tog'lar ham,  
Farhod Shirin bo'lib nahot  
kuyganimiz shuncha kam?!

Maktubimni olib yorim  
yetib keldi yonimga,  
Farzandlarim orom berdi  
sog'inch ezgan jonimga.  
Qalbimizda yashar ekan  
chin insoniy muhabbat,  
Umrimizni yoritadi  
mash'al kabi to abad.

## **VATAN O‘ZI NIMA?**

Vatan o‘zi nima? Bir kaft tuproqmi?  
O‘sha tuproq isi senga hamrohmi?  
Vatan – uying, joying, bolalik chog‘ing,  
Rizq-nasiba bergen dalang, bog‘-rog‘ing.

Yo‘lingga nur sochgan sodiq yo‘ldoshing,  
Yashashga zavq berib, silagan boshing,  
Undan ketar bo‘lsang, do‘stim, gar yiroq,  
O‘rtaydi qalbingni sog‘inch va qyinoq.

Hech bir yurt uning o‘rnin bosolmas,  
Faqat vatanfurush buni sezolmas,  
Yo‘qotgach, dardiga topmaydi chora,  
Foyda bermas unga afsus, oh-zori.

Vatan, ota-makon – bu baxt quyoshing,  
Undan kuch oladi har nihol, toshing,  
Qalbing o‘z yurtingda topadi orom,  
Minnatli oshga hech bo‘lmaq qaram.

## SIZGA AYTAR SO‘ZLARIM

Bolaligimdan ertak, rivoyatlar, maqol-u masallarni eshitib ulg‘ayganman. Bugun esa ana shu o‘gitlar mening hayotimga qanchalar ijobjiy ta’sir ko‘rsatganini, meni o‘z dunyoqarashiga ega, mustaqil fikrlaydigan inson qilib tarbiyalaganini anglagandek bo‘lyapman.

Bugun katta hayot qurshovidaman. Xalq xizmatiga kamARBastaman. Yurtning bolasi qalbiga vatanparvarlik tuyg‘ularini singdirish, ularni Vatanga xizmat qilishdek sharaffi burchni ado etishga da’vat etish mening kasbim. Mahalla, ta’lim muassasalari va oilalarda yoshlar bilan bo‘ladigan har bir uchrashuvda bir vaqtlar bobo-yu buvilarimdan eshitganim yoki kitoblarda o‘qiganim mardlik, jasorat, insoniy g‘oyalar singdirilgan rivoyat, hayotiy hikoyalar aytishni kanda qilmayman. Har bir so‘zim yoshlarning qalbida muhrlanishi uchun eng avvalo, ajdodlarimizning Vatan ozodligi yo‘lida ko‘rsatgan jasoratlarini faxr bilan aytaman.

*«Vatan tarkini bir nafas aylama,  
Yana ranji g‘urbat havas aylama».*

Bobokalonimiz Mir Alisher Navoiy yozib qoldirgan ushbu satrlar qarangki, bugun ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Mana shunday satrlarni o‘qiganimda buyuk ajdodlarimizga munosib

avlod bo'lishimiz kerakligi haqidagi o'y menga tinchlik bermaydi.

Bugun dunyo sahnida ro'y berayotgan notinchliklar, ularning asosiy ishtirokchisi esa hali oq-u qorani tanishga ulgurmagan yoshlar ekanligi hammamizni taajjubga soladi. Ular orasida bizning ham farzandlarimiz borligi qalbimizni og'ritadi. Ammo ming yillar o'tsa-da, ahamiyatini yo'qotmagan, aksincha, tobora sayqal topib borayotgan qadriyatlarimiz komil inson tarbiyasiga alohida e'tibor bilan qarashga undaydi. Xuddi ana shu qadriyat hamisha meni to'lqinlantiradi, zimmamga sharafli mas'uliyat olganligimni eslatib turadi.

So'zimni muxtasar qilar ekanman, quyida e'tiboringizga o'zim doim foydalanadigan, qalbimdan joy olgan Vatan va vatanparvarlik haqidagi hikmatli so'zlarni havola qilaman.

## **BUYUKLAR VATAN HAQIDA**

Kengash ikki turli bo'lur: biri – til uchida aytilgani, ikkinchisi – yurakdan chiqqani. Til uchida aytilganini shunchaki eshitardim. Yurakdan aytilgan maslahatni esa qalbim qulog'iga quyardim va dilimga joylardim.



Shijoatli kishilarni do'st tut, chunki Tangri taolo jasur kishilarni ardoqlaydi.



Kimning aqli va shijoatini sinov tarozusida tortib ko'rib, boshqalarnikidan ortiqroq ko'rsam, uni tarbiya qilib, amirlik darajasiga ko'tarar edim. So'ngra ko'rsatgan xizmatiga yarasha martabasini yana-da oshirar edim.



Kuch – adolatdadir.



Bir kuni padari buzrukvorimiz – Amir Tarag'ay bahodir ko'p qo'ylarni menga berib, Samarqand bozoriga savdoga yo'lladilar. Qo'ylarning hammasini ming oltinga sotib, pullarni belga bog'lab

sayr qilib yurur edim. Bir yerda xushovoz qalandar odamlarga so'zlab turgon ekan: qolida qog'oz-she'r bitilgan, u der edi:

– Shul yozuvning qadriga yetib, kim ming oltunga olsa, dunyoning oxiriga yetadi...

Himmatim jo'shib, ming oltunni qalandarga tut-qazdim. U menga tikilib turdi-da, so'ng nasl-nasabimni so'radi. Aytdim. So'ng tayin qildi:

– Otang oldiga borg'il, buni otang oldida o'qi, borg'uncha ochma...

Qog'ozni keltirib, padari buzrukvorga berdim. Ochib o'qidilar. Forscha ruboiy ekan – ma'nosi qo'yidagicha: zulm bilan dunyoda nom qoldirib bo'lmaydi. Jamshid, Sulaymon, Iskandarlar o'tib ketdi, navbat senga ham yetishi tayin. Dunyoga keldingmi yaxshilik bilan nom qoldir...

Ruboyining muallifi – o'shal qalandar-alloma shoir Kamol Xo'jandiy erkan. Ul zotni padari buzrukvorimiz ko'p hurmat qilar erkanlar.

– Barakallo, o'g'lim, ko'p dono ishga oltunlarni sarf etibsan. Endi, ming oltung'a olg'on ushbu hikmatga qat'iy rioya qilmoq lozimdir...

Padari buzrukvorning aytqonlarini bosh ustida tutdim.

*Amir Temur*



Baxtga erishish maqsadida o'zaro yordam ber-gan xalq – fazilatli xalqdir.

*Abu Nasr Forobiy*

Kimning xalqqa foydasi tegib, shu foydasi tu-fayli halovat topsa, o'sha odam ezgudir.

*Yusuf Xos Hojib*



Inson tirik ekan o'z Vatani uchun kurashmog'i lozim.



Odamiy ersang, demagil odami  
Onikim, yo'q xalq g'amidin g'ami.



G'urbatda g'arib shodmon o'lmas emish,  
El anga shafiqu mehribon bo'lmas emish.  
Oltun qafas ichra gar qizil gul butsa,  
Bulbulg'a tikandek oshyon bo'lmas emish.

*Alisher Navoiy*



Hech vaqtida do'stlaring bo'lmasin hayron,  
Qo'ldan kelsa qiling dushmanni vayron,  
Xaloyiq bir bo'lib yashang mehribon,  
Tug'ilgan yer uchun hurmat yaxshiroq.

*Berdaq*



Har na yaxshilik qilsang, qilki yurt uchun,  
O'zingdan orttir-u o'zgaga bermak uchun.

*Haydar Xorazmiy*



Odam ersang ma'ni bil dona-dona,  
Vatan erur senga ikkinchi ona.

*Anbar Otin*



Ma'lumdirki, dunyoda yashagan har bir kishining  
eng ayamlik, qizg'anib saqlaydigan besh narsasi bor-  
dir: birinchisi – joni, keyingilari – dini, moli, oilasi, ona  
Vatanidir.

*Alixonto'ra Sog'uniy*



Millat har bir vakilida sharaf-u e'tibor bo'lsa,  
o'sha millat sharaf-u e'tiborga loyiq bo'ladi.



Vatan bizning valine'matimiz va murabbiyimizdir,  
har bir valine'mat va murabbiya xizmat qilish lozim,  
bas, vatanga xizmat burchdir.

*Fitrat*

Qul bo'lib nomardga kun ko'rgan  
kishi inson emas,  
Erk uchun, xalqi uchun qiyalmagan  
jon-jon emas.

---

Saqlamoq yovdan Vatanni senga qarz,  
Qarzni qilmoq ado har kimga farz.

*Chustiy*

Xalqlar irodasi zo'r kuch.

*G'afur G'ulom*

Jahon tarixida aslo ko'rilmagan mo'jizalar  
yaratgan ulug' xalq har ishga qodir.

*Oybek*

Yurtni obod qilaman degan kishi o'zi obod  
bo'ladi.

*Abdulla Qahhor*

—————

Mening xalqim o'z kindigining qoni to'kilgan tuproqni o'z onasiday aziz ko'radi.

*Hamid Olimjon*



Hayot bizni o'tdan olib suvga, suvdan olib o'tga tashladi. Jazirama sahrolarda sarson-sargardon kezdik. Yer osti konlarida tirnoq bilan ma'dan ko'chirishga majbur qilishdi. Tug'ilgan ostonamizdan olislarga irg'itib tashlashdi. Jondan sevgan qalamimizni qarsillatib sindirishdi. Lekin irodamizni sindirolmadilar. Ko'ksimizdan imonimizni, qon-qonimizga singib ketgan O'zbekiston mehrini yilib ololmadilar.

*Said Ahmad*



Faqat aql kuchi bilan, faqat iroda kuchi bilangina odam hamisha yangilanib, panjaralari mustahkamlanib turadigan ichki tutqunlik asoratidan ozmi-ko'pmi qutilib, ichki erksizlikka barham berib, haqiqiy erkinlik sultanatiga erishmog'i mumkin.



«Xalq» degan tushuncha tez-tez tilga olinib tursa-da, hech qachon har jihatdan teng, yaxlit bir kuchni anglatmaydi. Hamisha xalq bor, olomon bor, avom bor, oriflar bor.

*Ozod Sharafiddinov*

—————

Dunyoda mantiqsiz hech ish bo'lmaydi,  
Tomchi yig'ilmasa jom ham to'lmaydi.  
Biz tomchi erurmiz, xalq esa ummon,  
Xalq o'lmas, tomchi ham demak, o'lmaydi!

—————

Inson bolasi hamma narsani vaqtincha yo'qotishi  
mumkin, lekin mustaqilligini yo'qotsa, dunyoning bar-  
cha quvonch va tashvishlari bekordir.

—————

Komil bo'lishga intilgan xalq, albatta yutadi.  
Bunday xalqning ozodligi, kelajagi xavf-xatardan  
xoli bo'ladi, aniq qilib aytganda, har qanday sha-  
roitda o'z haq-huquqini, erkinligini, nomus va  
sha'nini himoya qila oladi.

*Abdulla Oripov*

## МУНДАРИЖА

Парвозинг юксак бўлсин!	3
Инсон қалби	5
Жасоратга ундовчи сатрлар	7
Келажакка дадил қадам	9
Сўзбоши ўрнида	13
Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – асосий вазифаларимиздан бири	13
<b>Ҳаёт сабоқлар</b>	
Тарбиячининг «тарбияси»	16
Мактаб ва лицей ҳаёти	18
Ҳаёт мактаби	18
Полковник берган сабоқ	19
Ғалаба ва мустақил ҳаёт	20
Оила	22
Президент номига мактуб	23
Бўш иш ўринилар ярмаркаси	23
«Шунқорлар» масъулияти	25
Ватанини асл ўғлонлар қўриқлайди!	27
Ҳақназар амаким изтироблари	28
Қалдириоч қиссаси	32
Тулпор мингган болакай	33
Фарғонанинг оши	34
Тошкентлик Оқил aka ҳайрати	34
Пул сочиш ҳам анъанами?	35
Қорақалпоқ тўйи	37
Устозлар ўтити	39
<b>Қатралар</b>	
Интизом – бош мезон	40
Адолат тарозиси	40
Бобомерос	41
Соя	41
Ҳасадгўй	41
Ношукур бўлманг	41
Англаш	42
Кибрининг оқибати	42
Дўстлик	42
Жасоратли йўл	42
Дўстларингдан нолима	43
Тилда эмас, дилда	43
Улар бизлардан эмас	43
Тўрт девор ораси	44
Маънавий дур	44
Ҳаракатдан тўхтаманг!	45
Осмоннинг охирини топдим	45

Шошилма .....	46
Ўзбек журналистлари .....	46
Қонуният .....	47
Меҳр .....	47
Белбор .....	47
Жоҳил одам .....	47
Эркакнинг баҳоси .....	47
Рўзгор .....	48
«Шунқорлар»га таъриф .....	48
Спорт хумори .....	49
Спорт жозибаси .....	49
Спорт – бу севги .....	49
Шундай инсонлар бор .....	49
Уйғунылик .....	49
Шарафли касб .....	50
Номутаносиблик .....	50
Оммавий маданият .....	50
Ёшлар тарбияси .....	50
Иллат излаганга .....	51
Келажакни кўра олмаслик .....	51
Она ва алла сехри .....	51
Асл буюклик .....	51
Таъсир кучи .....	52
Ютуқ .....	52
Менимча .....	52
Аждодлар давомчиси .....	52
Асл йигит .....	53
Инсон бўлиш керак .....	53
Таъзим .....	53
Бурч .....	53
Катта жиноят .....	53
<b>Юрак сўзлагандага созлар жим турар</b>	
«Шунқорлар» беллашуви .....	54
Отамнинг ўгитлари .....	56
Меҳр беринг .....	57
Ҳикмат .....	58
Эй, ўғлон! .....	59
Посбонлар .....	60
Ҳарбийлар .....	61
Поезд келмоқдадир .....	62
Жон тулпорим .....	63
Ватан ўзи нима? .....	65
Сизга айтар сўзларим .....	66
Буюклар Ватан ҳақида .....	68

## MUNDARIJA

Parvozing yuksak bo'ssin!	76
Inson qalbi	78
Jasoratga undovchi satrlar	80
Kelajakka dadil qadam	82
Yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash – asosiy vazifalarimizdan biri	86
<b>Hayot saboqlari</b>	
Tarbiyachining «tarbiyasi»	89
Maktab va litsey hayoti	91
Hayot maktabi	91
Polkovnik bergen saboq	92
G'alaba va mustaqil hayot	93
Oila	95
Prezident nomiga maktub	96
Bo'sh ish o'rinlar yarmarkasi	97
«Shunqorlar» mas'uliyati	98
Vatanni asl o'g'lonlar qo'triqlaydi!	100
Haqnazar amakim iztiroblari	102
Qaldirg'och qissasi	105
Tulpor mingan bolakay	106
Farg'onaning oshi	107
Toshkentlik Oqil aka hayrati	107
Pul sochish ham an'anami?	108
Qoraqalpoq to'yi	110
Ustozlar o'giti	112
<b>Qatralar</b>	
Intizom – bosh mezon	113
Adolat tarozisi	113
Bobomeros	114
Soya	114
Hasadgo'y	114
Noshukr bo'lmang	114
Anglash	115
Kibrning oqibati	115
Do'stlik	115
Jasoratli yo'l	115
Do'stlaringdan nolima	116
Tilda emas, dilda	116
Ular bizlardan emas	116
To'rt devor orasi	117
Ma'naviy dur	117
Harakatdan to'xtamang!	118
Osmonning oxirini topdim	118
Shoshilma	119

O'zbek jurnalistlari .....	119
Qonuniyat .....	119
Mehr .....	120
Belbog' .....	120
Johil odam .....	120
Erkakning bahosi .....	120
Ro'zg'or .....	120
«Shunqorlar»ga ta'rif .....	121
Sport xumori .....	122
Sport jozibasi .....	122
Sport – bu sevgi .....	122
Shunday insonlar bor .....	122
Uyg'unlik .....	122
Sharafli kasb .....	123
Nomutanosiblik .....	123
Ommaviy madaniyat .....	123
Yoshlar tarbiyasi .....	123
Illat izlaganga .....	124
Kelajakni ko'ra olmaslik .....	124
Ona va alla sehri .....	124
Asl buyuklik .....	124
Ta'sir kuchi .....	124
Yutuq .....	125
Menimcha .....	125
Ajdodlar davomchisi .....	125
Asl yigit .....	126
Inson bo'lish kerak .....	126
Ta'zim .....	126
Burch .....	126
Katta jinoyat .....	126

**Yurak so'zlaganda sozlar jim turar**

•Shunqorlar, bellashuvi .....	127
Otamning o'gitlari .....	129
Mehr bering .....	130
Hikmat .....	131
Ey, o'g'lon! .....	132
Posbonlar .....	133
Harbiylar .....	134
Poyezd kelmoqdadir .....	135
Jon tulporim .....	136
Vatan o'zi nima? .....	138
Sizga aytar so'zlarim .....	139
Buyuklar Vatan haqida .....	141

*Бадий-публицистик нашр*

**ШЕРЗОД ҲИКМАТОВ**

**«ШУНҚОРЛАР» – ВАТАН ТАЯНЧИ**

*Tүртпинчи нашири*

**Мұхаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Бадий мұхаррир  
Уйғун СОЛИХОВ**

**Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ**

**Техник мұхаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ**

**“Noshirlik yog‘dusi” нашриёти**

**Лицензия рақами: А1 №.**

**Босишига 12.10.2017 й.да рұхсат этилди.**

**Бичими 84x108 1\32.**

**Босма тобори 4,75. Шартли босма тобори 7,98.**

**Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қороз.**

**Адади 5000 нұсха. Буюртма № 103.**

**Бағоси келишилган нархда.**

**“Reliable Print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.**

**Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй.**

25000c



ФАРХИЙ ДИПЛОМ





## ШЕРЗОД ҲИКМАТОВ

1984 йил Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилган.

2001 — 2005 йилларда Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил Қўмондонлик Муҳандислик билим юртини тамомлаган.

Ҳозирда Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўйича бўлимни Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи.

Муаллифнинг қалбидан ўтган кечинмалари, ҳаётий хуносалари асосида ёзилган қўлингиздаги китоб ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

ISBN 978-9943-5060-7-7

9 789943 506077

“Noshirlik yog'dusi”  
нашиёти